28069

1—бет

«Икки қардош юрт раҳбарлари қучоқ очиб кўришдилар...»

2—бет

«Она-замин, Она юрт меҳрини ҳеч нарсага алишмади...»

3-бет

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

4-бет

«Қарийб 65 йилдан бери чарм тўп дунё кезмоқда...»

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ÖZBEKİSTAN AVAZI

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 25 июнь, шанба | № 107 (21.711). | Сотувда эркин нархда

ҚАРДОШЛАР ЮРТИГА ТАШРИФ

АНҚАРА, 23 июнь. (ЎзА мухбири хабар қилади). Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бугун давлат ташрифи билан Туркияга келди. Анқаранинг Ўзбекистон ва Туркия давлат байроқлари билан безатилган «Эсенбоға» аэропортида Президент Ислом Каримовни Туркия Жумҳурияти Президенти Сулаймон Демирэл кутиб олди. Икки қардош юрт раҳбарлари қучоқ очиб кўришдилар. Одатда Туркия давлат раҳбари меҳмонга тайёрагоҳда пешвоз чиқмайди. Бу сафарги учрашув эса Ўзбекистон давлат раҳбарига алоҳида ҳурматдан дарак беради.

Президент Ислом Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон давлат делегацияси аъзолари ташрифни хаирли тадбирдан бошладилар. Турк халқининг буюк фарзанди Мустафо Камол Отатурк мақбарасига гуллар қўйилди.

Ушбу эзгу тадбирдан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва мамлакатимиз давлат делегациясининг бошқа аъзолари Туркия Жумҳурияти Президенти Сулаймон Демирэл қароргоҳига келдилар. Бу ерда олий мартабали меҳмон шарафига тўплардан бир неча маротаба салют берилди, майдонда фахрий қоровул саф тортди. Икки мамлакат давлат мадҳиялари янгради. Қардош мамлакатлар раҳбарлари журналистларга қисқача баёнот бердилар. Президентлар унда ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган дўстлик, биродарлик, ҳамкорликни янада юксак поғонага кўтариш ниятида эканликларини қайд этдилар.

Қароргоҳда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Туркия Президенти Сулаймон Демирэлнинг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Самимий ва дўстона суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ривожланиб бораётгани таъкидланди, ўзаро сиёсий, иқтисодий, маданий алоқаларни янада кенгайтириш хусусида фикрлашиб олинди.

Шундан кейин Президентлар иштирокида кенгайтирилган таркибдаги Ўзбекистон-Туркия музокаралари бўлиб ўтди. Музокаралар ниҳоясида Президентлар — Ислом Каримов ва Сулаймон Демирэл қўшма баёнот имзоладилар. Шунингдек, учрашувда фуқаролик, савдо ва жиноий ишлар юзасидан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги шартнома, Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Жумҳурияти Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида маслаҳатлашув ва ҳамкорлик тўғрисида протокол ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Музокаралар ниҳоясида унинг ғоят самарали бўлгани, қабул қилинган ҳужжатлар азалдан дўст ва биродар икки қондош халқ манфаатларига хизмат қилиши таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси давлат делегациясининг Туркияга ташрифи давом этмоқда.

* * *

АНҚАРА, 24 июнь. (ЎзА мухбири хабар қилади). Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ташрифи Туркия матбуотида кенг ёритилмоқда. Шарҳлар ва мақолаларда икки қардош халқнинг азалий алоқалари бугунги кунда янада мустаҳкамланиб ва кенгайиб бораётгани алоҳида қайд этилмоқда. Жумладан, музокаралар якунида имзоланган ҳужжатлар — ҳуқуқий соҳада ўзаро ёрдам, фуқаро авиацияси соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда консуллик битимлари, икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида маслаҳатлашув ва ҳамкорлик тўғрисидаги протокол ўзбек ва турк халқларининг манфаатларига хизмат қилиши таъкидланмоқда.

Ташрифнинг иккинчи куни ҳам қизғин мулоқот ва учрашувларга бой бўлди. Туркия Бош вазири Тансу Чиллер хоним Ислом Каримов қабулида бўлди. Ўзаро мулоқот чоғида турли соҳалардаги ҳамкорлик ҳамда минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикрлашиб олинди. Ўзбекистон раҳбари Туркиядаги таниқли ишбилармонлар, йирик компания ва фирмаларнинг раҳбарларини ҳам қабул қилди. Бу учрашувларда ҳамкорликнинг аниқ йўналишлари бўйича таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Бугун тушдан кейин Туркия Республикаси Президентининг қароргоҳида Ўзбекистон раҳбарини расмий кузатиш маросими бўлди. Мўътабар меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди, икки давлат мадҳиялари янгради.

Шу тариқа Ўзбекистон раҳбарининг Туркия Республикасига давлат ташрифи ниҳоясига етди. Икки қардош мамлакат ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш йўлида яна бир муҳим қадам ташланди.

(ЎзА).

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Сизларни — мустақил Ватанимизнинг равнақи учун сидқидилдан хизмат қилаётган журналистлар, ношир ва матбаачилар, радио, телевидение, ахборот агентлиги ходимларини 27 июнь — касб байрамингиз муносабати билан самимий қутлайман.

Ўзбекистонда умумбашарий қадриятларимизни, халқимизнинг миллий ғурурини тиклашда, юртимизда тинчлик ва осойишталик, миллатлараро тотувлик, сиёсий ва иқтисодий барқарорликни таъминлашда, давлатимизнинг халқаро обрў-эътибори, мавқеи ва шарафини мустаҳкамлашда сизларнинг улкан ҳиссангиз бор.

Сизнинг она юртимиз истиқболини кўзлаган ҳаққоний сўзингиз истиқлол йўлида бунёдкорлик билан машғул халқимизни руҳлантириб келаётгани ҳаммамизни қувонтиради.

Барчамиз учун қадрдон она юртимиз — Ўзбекистонимизнинг порлоқ келажаги, иқтисодий, маданий тараққиёти йўлида хизмат қилиш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир. Бу улуғ, муқаддас мақсаднинг фидойилари — сизларга тинчлик омонлик, бахт-саодат ва шарафли меҳнатингизда муваффақиятлар, ҳаётингизда омад тилайман!

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик самарали меҳнати, мамлакат матбуоти ва нашриётларини ривожлантиришдаги хизматлари ва жамоат ҳаётида фаол иштирок этаётгани учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЖУРНАЛИСТ

АЛИЕВ Ғулом Самарқанд вилояти «Зарафшон» газетасининг мухбири

БАРАНОВ Альфред Александрович Миллий ахборот агентлиги республика хабарлари таҳририятининг бош муҳаррир ўринбосари

ОСЕРБАЕВ Ниетбай Қораўзак тумани «Меҳнат байроғи» газетаси муҳаррири

ПАК Лев Николаевич «Народное слово» газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари

САЪДИНОВ Маҳмуд Холиқул ўғли «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг бўлим мудири

ҚОРЖОВОВ Абдурауф Ўзбекистон телевидениеси мухбири

ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ

НУРБАЕВА Хатира «Нурли жол» газетасининг масъул котиби

СОИБНАЗАРОВ Обиджон Қодирович «Ўзбекистон» нашриётининг рассоми

ТУРДИҚУЛОВ Эсон Турсунмуродович «Овози тожик» газетасининг бош муҳаррир ўринбосари

ТУРСУНОВА Севар Жалиловна Ўзбекистон телевидениеси шарҳловчиси

(Давоми учинчи бетда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори

«ЎЗДОНМАҲСУЛОТ» ДАВЛАТ-АКЦИОНЕРЛИК КОРПОРАЦИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИ МАСАЛАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўздонмаҳсулот» давлат концернини «Ўздонмаҳсулот» давлат-акционерлик корпорациясига айлантириш тўғрисида» 1994 йил 22 апрелдаги Фармонини ижро этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. «Ўздонмаҳсулот» давлат-акционерлик корпорациясининг таркибига розилик берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, «Ўздонмаҳсулот» корпорацияси:

дон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг ҳудудий акционерлик уюшмалари дон маҳсулотлари тармоқлари корхоналари бирлашмалари, ташкилотлари ва муассасалари томонидан ташкил этилади. Корпорация таркибига, идоравий бўйсуниши ва мулкчилик шаклларидан қатъи назар, бошқа корхоналар ва ташкилотлар ҳам ўзларининг иқтисодий манфаатларининг умумийлиги асосида ихтиёрий равишда киришлари мумкин;

ўз фаолиятини қатнашчиларнинг пай ва кириш бадаллари, улар томонидан берилган ваколатлар ҳамда функциялар асосида ташкил этади;

донни харид қилиш — сақлаш — қайта ишлаш — маҳсулот ишлаб чиқариш ресурсларни жойдан-жойга кўчириш-пировард маҳсулотларни аҳолига ва бошқа истеъмолчиларга сотиш-тўташ жараёни бажарилишини таъминлайди;

ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти масалаларини мустақил равишда ҳал қилади, марказлаштирилган суғурта, заҳира ва бошқа фондларни ташкил этади;

«Ўздонмаҳсулот» давлат концернининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради.

2. Корпорация бошқаруви ижроия аппаратининг тузилмасига, унинг ходимларининг чекланган сони 179 нафар бўлишига (хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) розилик берилсин.

«Ўздонмаҳсулот» корпорациясига раиснинг 4 нафар ўринбосари, шу жумладан, бир нафар биринчи ўринбосари бўлишига рухсат этилсин.

Бошқарув раиси ва унинг ўринбосарлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадилар.

Корпорация раиси маиший таъминоти, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шароитлари бўйича республика вазирига, раиснинг биринчи ўринбосари — вазирнинг биринчи ўринбосарига, раиснинг ўринбосарлари — вазирнинг ўринбосарларига тенглаштирилсин.

Маълумот учун қабул қилинсинки, корпорация бошқарувининг ижроия аппаратини сақлаш уюшмалар, бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларнинг фойдаларидан келишилган нормативлар бўйича ажратмалар ҳамда ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

3. Белгилаб қўйилсинки, ҳудудий акционерлик уюшмалари:

мулкчиликнинг турли шаклларидаги корхоналар ва ташкилотларни иқтисодий манфаатларнинг умумийлиги принциплари асосида ихтиёрий равишда бирлаштирадилар, ўзларига берилган функцияларни бажариш юзасидан ўз муассислари олдида жавоб берадилар;

вилоят барча минтақаларини дон маҳсулотлари билан бир текис таъминлаш учун дон маҳсулотларининг тизим ичида жойдан-жойга ўтказилишини ва тайёр маҳсулотнинг истеъмолчиларга сотилишини таъминлайдилар;

юридик шахс ҳуқуқи билан «Ўздонмаҳсулот» корпорациясининг қатнашчилари ҳисобланган ҳолда ўз фаолиятларини уюшма Уставига мувофиқ амалга оширадилар;

уюшмаларнинг раислари муассислар йиғилиши томонидан сайланадилар ва «Ўздонмаҳсулот» корпорацияси бошқаруви томонидан тасдиқланадилар.

Белгилаб қўйилсинки, бош корхона уюшма бошқаруви ижроия аппарати функциясини амалга оширади.

«Ўздонмаҳсулот» корпорацияси Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан келишган ҳолда икки ҳафта муддатда ҳудудий акционерлик уюшмасининг Намунавий уставини ишлаб чиқсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси:

«Ўздонмаҳсулот» корпорацияси билан биргаликда 1994—1996 йиллар давомида давлат корхоналарини мулкчиликнинг бошқа шаклларига айлантириш бўйича ташкилий тадбирларни амалга оширсин;

корхоналар ва ташкилотларни очиқ турдаги акционерлик жамиятларига айлантиришда устав сармоясида давлатнинг улушини 51 фоиз миқдорида белгиласин, акцияларнинг қолган қисмини меҳнат жамоалари аъзоларига ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқи билан, дон етказиб берувчи хўжаликлар ходимларига, Ўзбекистон Республикасининг, бошқа давлатларнинг жисмоний ва юридик шахсларига, шунингдек, биржалар орқали сотсин;

кичик новвойхоналар ва корхоналарни хусусий мулк қилиб сотишда дон маҳсулотлари тармоғи ходимларига сотиб олиш учун устунлик ҳуқуқини берсин;

корпорацияга корпорация таркибига кирувчи давлат корхоналари негизида ташкил этилган акционерлик жамиятларидаги давлатга тегишли акцияларнинг эгаси функциясини берсин;

давлатга тегишли акциялар бўйича дивидендларни шартнома асосида корпорацияга берсин.

5. «Ўзбексавдо» давлат-акционерлик уюшмаси акционерлик жамиятлари билан биргаликда нон ва нон-булка маҳсулотлари билан савдо қилиш бўйича ихтисослаштирилган чакана тармоқни белгиланган тартибда «Ўздонмаҳсулот» корпорациясига берсин;

Нон, нон-булка ва қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва аҳолига сотиш бўйича функциялар «Ўзбексавдо» уюшмаси ва Ўзбекбирлашувда сақлаб қолинсин.

6. «Ўзавтотранс» корпорацияси «Ўздонмаҳсулот» корпорацияси билан тузилган шартнома асосида нон ва нон-булка маҳсулотларини узлуксиз ташишни таъминлаш учун корпорациянинг автотранспорт корхоналари негизида ихтисослаштирилган таркибий бўлинмалар ташкил этсин.

7. Дон етказиб берувчиларга кредит ҳисоб-китоб хизмати кўрсатишни тартибга солиш ва жадаллаштириш ҳамда дон маҳсулотлари тармоқлари корхоналари ва ташкилотлари ишлаб туриши ва янада ривожланишини молиявий қўллаб-қувватлашни таъминлаш мақсадида:

«Ғалла-Банк» ихтисослаштирилган республика акционерлик-тижорат банки ташкил этилсин. Дон харид қилишни, уни сақлашни ва қайта ишлашни, ун, омихта ем, нон, нон-булка ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни амалга оширувчи корхоналарга кредит ҳисоб-китоб хизмати кўрсатиш, дон топширувчиларга келгуси ҳосил учун аванс бериш, дон тайёрлаш мавсуми даврида кредит бериш ва дон маҳсулотлари корхоналари билан мулкчилик шаклидан қатъи назар бошқа тармоқлар корхоналари ўртасидаги ҳисоб-китобларни таъминлаш бу банкнинг асосий функциялари бўлиши керак;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига, Марказий банкига, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига, «Деҳқончиликсаноатбанк» республика акционерлик-тижорат банкига ва «Ўздонмаҳсулот» корпорациясига «Ғалла-Банк» ихтисослаштирилган республика акционерлик-тижорат банкининг муассислари бўлиш тавсия қилинсин;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирлиги икки ҳафта муддатда республика Ҳукуматига «Ғалла-Банк»ни ташкил этиш ва унинг фаолият кўрсатиши билан боғлиқ бўлган таклифлар киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига 1994 йилдан бошлаб:

республиканинг ун билан ўзини ўзи таъминлаши мақсадида ва дон экинлари экин майдонларининг кенгайишини ҳисобга олиб «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси билан келишилган аниқ мақсадли дастурга мувофиқ тегирмон ва нон пишириш корхоналари ҳамда дон сақлаш омборлари қурилиши учун мақсадли узоқ муддатли кредитлар ажратиш, кредитларни тўлаш муддатини ва улар учун фоизлар ундиришни қувватларни ўзлаштиришнинг норматив муддатлари тугашига кўра белгилаш;

донни экспорт бўйича ҳам, МДҲ мамлакатларидан ҳам, импорт бўйича ҳисоб-китобларни ҳам кўшиб, харид қилиш учун белгиланган квоталарга кўра экспорт қилинадиган пахта толасига ҳақ тўлаш учун бир йил муддатгача мақсадли кредит ресурслари ажратишни ҳар йили назарда тутиш;

ҳар йили «Ғалла-Банк» билан биргаликда республика ичида дон харид қилиш учун ҳамда дон топширувчиларга келгуси ҳосил ҳисобига контракт бўйича белгиланган қийматнинг камида 40 фоизи миқдорида аванс бериш, шунингдек, доимий сақланадиган дон ва дон маҳсулотлари захираларини кредит билан таъминлаш учун кредит ресурслари ажратиш масалаларини кўриб чиқиш тавсия қилинсин.

9. Молия вазирлиги «Ўздонмаҳсулот» корпорациясининг ўз оборот маблағларини 200 млрд. сўм-купонга тўлдириш учун 157 млрд. сўм-купон бюджет ссудасини қарзни 1995 йил декабрь ойида тўлаш шарти билан, шунингдек, қолган 43 млрд. сўм-купонни шу йил 1 июндаги ҳолатига кўра донни қайта баҳолашдан олинган маблағлар ҳисобига расмийлаштирсин.

Молия вазирлиги булка нон нархларидаги фарқни тартибга солиш учун 1994 йилга тегишли бюджет маблағларини шу йил 1 июлдан бошлаб «Ўздонмаҳсулот» корпорациясига берсин.

10. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги бир ой муддатда дон маҳсулотларини импорт бўйича мустақил харид қилишни, шунингдек, ушбу жараён билан боғлиқ бошқа масалаларни амалга ошириш учун «Ўзагроимпекс» республика Ташқи савдо бирлашмасини «Ўздонмаҳсулот» корпорацияси тизимига бериш тўғрисида Ҳукумат қарорини тайёрласин.

11. «Ўздонмаҳсулот» корпорацияси 1995 йилдан бошлаб республика ичида ҳам, унинг ташқарисида ҳам донни олдиндан берилган буюртмалар (фьючерс битишувлар) бўйича харид қилишни қўлласин.

Шу мақсадларда «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Марказий банк бир ой муддатда уни амалга ошириш механизмини ишлаб чиқсинлар.

12. «Ўздонмаҳсулот» корпорацияси икки ҳафта муддатда Уставни ишлаб чиқсин ва республика Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда уни қабул қилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «Ўздонмаҳсулот» давлат концерни масалалари» ҳақидаги 1992 йил 21 февралдаги 75-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. М. Муталов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 20 июнь.

• Долзарб мавзу

ЕТУКЛИК СИНОВИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ РАИСИ Ф. МУЛЛАЖОНОВ БИЛАН СУҲБАТ

— Файзулла Мақсуджонович, Республика Президентининг «Ўзбекистон Республикаси миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида»ги Фармонида Марказий банк зиммасига миллий валютани муомалага киритиш ва бир ой мобайнида сўм-купонларни муомаладан чиқариб олиш ишларини назорат қилиш вазифаси юклатилган. Шунингдек, 28 июндан — 5 июлгача иш ҳақи, пенсия, нафақа ва бошқа тўловларнинг сўмларда берилишини таъминлаш кўзда тутилган. Банк тизими ўз олдига қўйилган бу вазифаларни бажаришга тайёрми?

— Биз уларни бажаришимиз шарт, чунки республика иқтисодиётини, аҳоли осойишталигини таъминлаш кўп жиҳатдан шунга боғлиқ. Мураккаб, шошма-шошарликка йўл қўйиб бўлмайдиган тайёргарлик даври Марказий банк ва тижорат банклари жамоаларидан узоқ ва пухта ҳозирлик кўришни талаб қилди. Амалга оширилган ишлар натижасида миллий валютани муомалага киритишнинг ушбу босқичи уюшқоқлик ва осойишталик билан ўтади, деб ўйлайман.

— 1994 йил июль ойи мобайнида сўм билан сўм-купоннинг баравар муомалада бўлишини қандай изоҳлайсиз? Бошқа мамлакатларда валютани шу усулда муомалага киритиш ҳоллари бўлганми?

— Бу ҳам Президентимизнинг аҳолига кўрсатган ғамхўрликларидан биридир. Асосий мақсад ваҳима, узундан-узоқ навбат кутиш, асабийликларнинг олдини олишдир. Сўм-купон оралиқ тўлов воситаси бўлгани, у фақат республикамиз ҳудудида муомалада юргани туфайли бизда миллий валютани уюш-

(Давоми иккинчи бетда).

МАҚСАД ДЎСТЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА ТАЖРИБА ЎРГАНИШ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси делегацияси бир ҳафта давомида Хитой Халқ Республикасида расмий сафарда бўлиб қайтди. Делегацияга Марказий Кенгаш иккинчи котиби Абдулҳафиз Жалолов раҳбарлик қилди. Сафардан кўзланган мақсад — Хитойда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар тажрибаси билан танишиш, икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашдир. Пекин, Шанхай, Чанжоу шаҳарларидаги расмий учрашувлар, завод, фабрика, илмий муассасалар, хизмат кўрсатиш, маданият ва бошқа муассасаларга ташрифлар чоғида одамларнинг меҳнатга муносабатларини ўзгартиришда иқтисодий манфаатдорлик омилининг аҳамияти, ижтимоий барқарорлик, осойишталик, сиёсий ҳамжиҳатлик, маънавий-ахлоқий кўтаринкилик кайфияти сингари шарт-шароитларнинг таъсири ҳамда буларнинг ҳаммасини ташкил этишда давлат ва сиёсий ташкилотларнинг ўрни беқиёс эканлиги хусусида сўз борди. Шанхайнинг Пудин тумани, Цзянсу вилоятининг Чанжоу шаҳри, унинг теварак атрофидаги қишлоқ жойларида кейинги йилларда чет эл сармояларини жалб этиш натижасида юз берган силжишлар делегация аъзоларида катта таассурот қолдирди.

Хитой Халқ Республикаси раҳбарларидан бири — Ху Цзинтао делегация аъзоларини қабул қилди. У Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Хитойга 1992 йилдаги, ХХР Давлат Кенгаши Бош вазири Ли Пэннинг шу йилнинг апрель ойида Ўзбекистонга қилган расмий сафарлари қадимдан яқин икки қўшни халқлар ўртасидаги дўстликни янада чуқурлаштирганлигини алоҳида таъкидлади ва унинг ёркин истиқболларига ишонч билдирди.

Делегация қаерда бўлмасин, барча ерда унга самимий, дўстона, илиқ муносабат билдирилди. Бу, албатта, дунёнинг йирик мамлакатларидан бири — Хитойнинг ва унинг буюк халқининг Ўзбекистонга бўлган ҳурмати, биродарлик ҳиссиётининг ифодасидир.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ МАТБУОТ МАРКАЗИ.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ: БИРОДАРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ДИАЛЕКТИКАСИ

Қадимдан бир маънавий-руҳий иқлимда нафас олиб келган халқларимиз тарихи мизнинг, айниқса, бугунги масъулиятли даврда — ақл-заковат ва шижоат, дунёвий салоҳият ва миллий ғурур талаб этиладиган даврда яна ҳам яқинроқ, яна ҳам меҳр-оқибатлироқ бўлишлари лозимлигини ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Ислом КАРИМОВ.

Миллион йиллардирки, тарих чархпалаги тинмай айланади. Ҳаёт гоҳ у, гоҳ бу тарзда давом этмоқда. Олис ўтмиш кишилик жамиятининг турли кўринишларига, турли ҳолатларига гувоҳ. Дарҳақиқат, минг йилликлар мобайнида халқлар вужудга келди. Миллатлар шаклланди. Фақат турли-туман мақсадлар йўлида улар гоҳ қовушиб, бирлашиб кетишди. Гоҳ рақибга айланиб, бир-бириги мавҳ этишгача уринишди. Бироқ, бир қавмга даҳлдор бўлган халқларнинг ҳақиқий миллий яқинлиги, руҳий муштараклиги, маънавий уйғунлиги ҳеч қачон ўз кучини йўқотмади. Аксинча, у турли даврларда турли жанг-жадалларда тобланди. Тафаккур, ақл-идрок қиличдан устун келди. Тўғри, сонсаноқсиз босқинчиликлар туфайли пароканда бўлган, миллий равнақ йўли тўсилган, миллий онг, ўзлигини кўрсатиш имкониятлари чекланган. Тўс-тўполонлар таъсирида бирмунча ожизланиб, маъюсланиб қолган. Аммо асрларнинг қат-қатида алоҳида даврлар бўлганки, миллий тараққиёт, миллий равнақ, уйғониш, ўзлигини англаш солномаси янгидан-янги мазмун билан бойиб борган.

Марказий Осиё ҳам ана шундай турли қирғинбарот урушларга майдон бўлган. Не-не тажовузларни, босқинчиликларни, мустамлакачилик ва зўравонликларни кўрган. Бунга кўҳна тарих гувоҳ. Бироқ, бу замин эгалари ана шу зиддиятларнинг ҳаммасига бардош бериб яшашди. Она замин, Она юрт меҳрини ҳеч нарсага алишмади. Аксинча, уни ҳамма нарсадан баланд тутишди. Ўзлигини ҳимоя қилишди. Ўз шаънини, ўз тарихий шуҳратини, оламшумул обрў-эътиборини улуғлашди.

Инсон табиати жуда мураккаб, руҳий ҳамда ҳиссий таъсир даражаси ўта нозик ва айни пайтда жуда сезгирдир. Донишмандларнинг фикрича, руҳ туйғулар билан фикрлар таъсирида пайдо бўлиб, шаклланармиш. Ташқи ҳодисалар ва воқелик нечоғли аниқ ва чуқур идрок этилса, туйғуларга таъсир шунчалик кучли бўлар экан. Натижада ана шу таассуротлар қуршовида руҳ, феъл-атвор, борлиққа ўзига хос муносабат, борлиқни идрок қилиш қобилияти шаклланади. Инсон дунёқараши ва феъл-атворининг шаклланишида ҳиссиётнинг ва ҳис қила олиш кобилиятининг муҳим аҳамияти бор. Фикр, ақл-идрок унинг таъсирида вужудга келади, шаклланади. Ўзининг янгидан-янги қирраларини, кенг имкониятларини кўрсата бошлайди. Руҳ ва ҳис бирлиги даҳолик қудратининг асоси.

Афлотуннинг фикрига кўра, руҳ энг эзгу олам бўлгани учун инсон аввало ўзининг руҳини камол топтириши зарур. Дарҳақиқат оламни тушуниш, оламни англаш, уни тўғри баҳолай билиш руҳиятимизнинг кучқувватига, қобилияти ва ҳолатига боғлиқ. Зеро, руҳнинг соғломлиги — ақл-идрок бутунлиги. Руҳнинг покизалиги — ҳиссиёт покизалиги, туйғулар мусаффолиги. Руҳнинг тиниқлиги — иймон, инсоф ва диёнатнинг яхлитлиги, бир бутунлиги, мавжуд ва тириклиги. Ана шундай фазилат мавжуд оламда Ватан, Халқ, Миллат тушунчалари олий ҳақиқат даражасига кўтарилади. Биз қанчалик руҳан тозаликка эришсак, фикримиз шунчалик тоза, ҳаёлларимиз равшан, орзу-умидларимиз ёрқин бўлади. Атоқли турк олими Зиё Гўкалп «Фикрлари ҳисларига тамомила мувофиқ бўлмаган ҳар бир одам руҳан хастадир. Бундай одам ҳаётда бахтли бўла олмайди. Масалан, ҳиссиётига кўра кучли диндор бўлган киши ўзини фикран динсиз деб тушуна бошласа, руҳи қандайдир бир мувозанат, осойишталик ҳолатида бўладими? Шубҳасиз йўқ!»— дейди.

Якин ўтмишимизга бир назар солайлик. Бир неча минг йилликлар мобайнида жони жонига, қони қонига пайванд бўлиб кетган Марказий Осиё — қадимий Турон халқлари собиқ СССР даврида турли миллатларга бўлиб юборилди, турли мамлакатлар барпо этилди. Бу сохта сиёсат туфайли анъаналари, турмуш тарзлари, руҳий ва маънавий қадриятлари бир бўлган халқлар ўзбегу қозоққа, тожигу қирғизу туркманга бўлиб юборилди. Албатта, мазкур миллатлар ўтган 70 йилдан кўпроқ вақт мобайнида шакланди. Уларнинг тили, маданияти ривожланди. Ҳар бир миллатнинг миллий тараққиётига замин яратилди. Бунга шубҳа йўқ. Энди уларни бутунлай бирлаштириб юбориш миллий қадриятларни топташ билан баробар. Бундай ҳодиса зўравонлик ва тазйиқ қилишдан бошқа нарса эмас. Бироқ, масаланинг бошқа томони ҳам бор. Жумладан, собиқ Иттифоқ тарқалгач вужудга келган мустақил давлатлар ўз тарихий келиб чиқишлари, халқларнинг бой ўтмиши, маънавий ва руҳий эҳтиёжлари нуқтаи назаридан уларни ўзаро яқинлаштириш ҳаётий заруратга айланди.

Марказий Осиё халқлари руҳияти асрлар мобайнида бир-бирига туташиб, маънавий, диний ва ахлоқий муносабатлари уйғунлашиб кетган, яшаш тарзлари ва урф-одатлари муштарак бўлиб, ягона, улкан ва жонли танага айланган эди. Шунинг натижасида қондошу жондошлик, бир бутунлик анъаналари таркиб топди.

Маънавий, руҳий ва фикрий яқинлик ҳамиша, ҳамма нарсадан устун келган. Шунинг учун ҳам доноолар «Қишини дўстлар ичидаги қашшоқлик ётлар орасидаги тўқ яшашдан яхшироқ»— дейишган. Бу асрлар мобайнида аждодларимиз синовидан ўтган ҳодиса.

Ҳа, қадимий Туронда ахлоққа катта эътибор билан қарашган. Юксак инсоний фазилат, инсонни миллатидан қатъи назар барча мавжудодларнинг сарвари сифатида қадрлаш, маънавий камолот ва етуклик, адолат, инсоф, диёнат ва иймон каби сифатлар тирикликнинг бош мазмуни сифатида тушунилган.

Халқларимиз дунёқараши, мақсад ва интилишларини ўзида ифода этган халқ оғзаки ижоди намуналари ана шу замин аҳлининг бутун руҳиятини қамраб олган. Жумладан, ўзбек, қозоқ ва қорақалпоқ халқларида «Алпомиш», Туркман, Озарбайжон ўлкасида, Хоразм ва Тошкентда «Гўр-ўғли» достонларининг, қирғизларда «Манас» халқ эпосининг вужудга келиши, уларда қарийб бир хил — эзгулик билан ёвузлик, яхшилик билан ёмонлик кураши, охирида эса эзгулик ва яхшиликнинг тантанаси, донишмандлик, ақл-идрок, хушхулқ ва хушфеъллик асосий омил, бош мақсад қилиб олинганлиги ана шу халқлар қарашларининг уйғунлигидан далолат беради. Ёзма адабиётда эса Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутатғу билиг» асаридаги сингари фалсафий-ахлоқий ғоялар, форсийларда Умар Хайём, Фирдавсий, Хусрав Деҳлавий, Саъдий Шерозий, ўзбекларда Беруний, Абу Али Ибн Сино, Хоразмий, Навоий, қозоқларда Абай, туркманларда Махтумқули ўгитлари вужудга келди ва дунё маданияти тараққиётига катта таъсир кўрсатди, дунёвий илмлар ва кишилик тарихи ривожига асос бўлди.

Мазкур халқларнинг тарихий-этник жиҳатдан ўтмиши кишилик тарихининг муқаддимасига бориб тақалади. Минг йилликлар мобайнида ҳали қулдорлик давлатчилиги пайтидаёқ Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари ягона турмуш тарзини бошдан кечиришган. Миср ва Вавилон билан ёнма-ён қадимий Бактрия ва Суғдиёна давлатчилиги вужудга келган. Аждодларимиз — ота-боболаримиз эрамиздан олдинги тўртинчи асрларда ҳам турли тажовузларга (А. Македонский) қарши қурашишган. Араб ва мўғул истилочилари билан жанг қилган. Юнонлар ҳам, араблар ҳам, мўғул ва бошқа истилочилар ҳам халқларимиз қадимий анъаналарини йўқота олишмаган. Бактрияликлар, сўғдийлар, хоразмликлар, ўғузлар ва бошқа халқлар беному-нишон, изсиз йўқолиб кетмадилар. Улар ўз урф ва анъаналарини муқаддас билиб давом эттирдилар. Турли асрларда, турли даврларда янгича шароитларда уни бойитиб бордилар. Сайқал бериб, мазмун-моҳиятини тўлдириб бордилар.

Тил — халқларни яқинлаштирувчи энг қудратли ва энг ишончли восита. У ўзида инсоннинг жамики ҳис-туйғуларини, ақл-идрокини, фикр ва борлиғини мужассам этади. Айни пайтда уларни ифодалаб беради. Кўнгилларни кўнгилларга боғлаб, қарашларни уйғунлаштирадиган ноёб восита.

Қадимдан бир дарёдан сув ичиб, бир заминда шаклланган туркий-забон халқлар жамики иқтисодий-ижтимоий манфаатлар бирлигидан ташқари маънавий жиҳатдан ҳам яқин эдилар. Уларни умумий тил бирлаштириб турар эди. Чунончи, Туронда форс тили — шеър, адабиёт ва санъат тили, араб тили— илм тили, туркий тили — давлат ва ҳарбий тил сифатида юритилган. Шу уч тилдан бирини билмаган ҳар қандай киши маданиятсиз ҳисобланган. Шунинг учун ҳам ҳоҳ ҳарбий, ҳоҳ бошқа соҳа кишиси бўлмасин ҳар бир киши баравар уч тилда гапириб, уч тилда ёза олган. Ибн Сино ё Беруний асарларини араб тилида ўқиган одам Саъдий ё Ҳофиз шеъриятини ҳам, Умар Ҳайём фалсафасини ҳам, давлат бошқаруви расмий тилини ҳам бир йўла тушунган. Ана шу уч тил муштараклиги туфайли улкан бир ҳудудда туркийларнинг кўпдан-кўп қавмлари билан бирга форсийлар ҳам муштарак орзу-умидлар билан яшашган.

Руҳий, маънавий яқинлик жаҳон тарихидаги буюк силжишларга, умуминсоний қадриятларнинг кескин ривожланишига сабаб бўлган. Чунки ҳудди ана шу юксак инсоний фазилатлар барқ урган, жамики ҳатти-ҳаракатлар юксак ахлоқ ва маънавиятга асосланган бир шароитда дунёвий илмларнинг янги, мўъжизавий кашфиётлари яратилган. Бутун дунё аҳли онги ва тафаккурида туб бурилиш ясалган.

Марказий Осиё халқлари тарихида, айниқса, Ғазнавийлар, Салжуқийлар ва Темурийлар сулолалари алоҳида ўрин тутади. Бу уч авлод нафақат Туронда, балки Афғонистон, Эрон ва Ҳинд диёрини бирлаштириб олган улкан бир ҳудудда илму урфон, маданият, иқтисод ва турмуш тарзи учун катта тарихий ишларни амалга оширишган. Бу ердаги барча халқлар бирлашиб, ягона, буюк оламшумул маданият яратдилар.

Биз ўтган 70 йил мобайнида ўтмишни қоралашга, тарихни сохталаштиришга одатланган эдик. Шўро ҳукумати ва коммунистик мафкура бизни шундай тарбиялаган, онгимизга ана шундай қарашларни сингдирган эди. Эндигина жуда катта қийинчиликлар билан ўзлигимизга қайтяпмиз. Ўтмишдаги аждодларимиз аслида ҳеч кимдан кам бўлишмаганини энди англяпмиз. Масалан, юқорида тилга олинган уч авлод фақат жаҳонгирлик даъво қилишмаган, бизга ўргатишганидек, бирин-кетин мамлакатларни забт этиш ва мустамлакачилик билан шуғулланишмаган. Тасарруфларига олган мамлакатларда зўрлик билан ўз тилларини жорий этишмаган. Аксинча, улар ҳар бир миллатнинг ўз миллий тили ва маданияти тараққиётига йўл очиб бердилар. Биргина мисол келтирайлик. Маҳмуд Ғазнавий ҳақида, унинг доно ва халқчил давлатчилиги тўғрисида ўз даврининг Фаррухий, Унсурий сингари тарих тан олган тўрт юздан ортиқ шоир асар ёзган! Бу бежиз эмас. Ана шу даврда чинакам демократик қарашлар ва аҳоли умумий мақсадларини бирлаштириш ғоялари баланд турган.

Мингдан-минг таассуф билан шуни айтиш керакки, собиқ СССР ҳукмронлиги пайтида миллатлар майдалаштирилиб, умумий қарашлар ўртасида «Хитой девори» тикланди. Натижада онгимиз ва тушунчаларимизга чегара солинди, миллий маҳдудлик қобиғида бекиниб қолдик. Натижада майда нарсалар атрофида ўралашиб, шунга яраша майда фикрлайдиган ҳолатга тушдик. Охир-оқибатда ўзимиз ҳам майдалашиб кетдик. Яъни нима Қозоғистонники-ю нима Ўзбекистонники? Ким қаерда туғилгану қайси тилда ижод қилган? Энди у қайси миллатга мансуб? Форобий ўзбекми, қозоқ? Ибн Сино тожикми ўзбек? Бундай саволлар атрофида йиллаб тортишувлар ўтказдик. Умримизу имкониятларимизни ана шундай енгил ва асоссиз мунозараларга сарфладик. Бундан эса фақат «улуғ оғачилик» сиёсатини юргизувчиларгина фойдаланишди, холос.

Биз буни ўз вақтида англай олмадик. Қадимий маданий мерос, қайсидир мадрасанинг синиқ ғиштидан тортиб, улкан девонлару қўлёзмаларгача ҳамма-ҳаммаси ана шу минтақада тарихан бирга яшаб келган ва ҳозиргача яшаётган ҳар бир миллатники эканлигини тушунмадик. Ахир бу ноёб, оламшумул маданий ёдгорликлар яратилган пайтда ҳозирги чегаралару мамлакатлар йўқ эди. Президентимиз И. Каримов айтганларидек, ҳозирги ўзбек, тожик, қозоқ, қирғиз ва туркман деган миллатлар нисбий тушунча. Бу бизнинг бир неча минг йиллик умумий тарихимизни ўзида ифодалаб бера олмайди. Дарҳақиқат, биз тарихимизга ҳам, олис истиқболимизга ҳам аждодларга хос донишмандлик билан, маънавий ва ахлоқий юксакликдан туриб қарашимиз керак.

Оламга кенгроқ қарашимиз лозим. Ана шунда минтақа мамлакатлари ҳозирги мустақиллигини сақлаган ҳолда умумий тараққиёт ва буюк келажак сари яна ҳам кўпроқ ишонч билан боришимиз мумкин бўлади.

Тарихий шахслар қарашлари ва улуғ аждодларимиз орзу-умидлари ҳақида икки оғиз сўз. Улар ҳеч қачон бугунги қарашларимизу тор маҳаллийчиликларимиз доирасида яшашмаган. Улар мамлакатлару миллатлар манфаатидан устун турган дунёвий муаммолар, умуминсоний тараққиёт, киши ҳаётининг мазмун-моҳияти, мантиқи, оламу одамлар ташвиши билан яшашган. Натижада фанда оламшумул кашфиётлар, санъат ва адабиётда мислсиз кўтарилишлар, маънавият ва ахлоқда етуклик, давлатчилик ва бошқарувда ғоят инсонпарварлик ва адолат вужудга келган. Тирикликнинг улкан бир қисмида — бутун минтақамиз ҳаётида юксак тараққиёт юз берган.

Тўғри, Турон ҳаёти ҳаммавақт ҳам сокин ва осойишта бўлмаган. Бу ерда турли даврларда турли жангу жадаллар юз бериб турган. Кимлардир қурганини қимлардир бузган. Бироқ бундай ҳодисалар минтақа аҳолиси манфаатларига зид, мақсадларига мос келмайдиган ҳолатлардир. Бир гуруҳ тожу тахт даъвогарлари ўз манфаатлари йўлида ҳар қандай қон тўкишлардан ўзларини тия олмаганлар, холос.

Марказий Осиё мамлакатлари ҳамкорлигини вужудга келтириш, уларнинг суверенитетини тўла ҳурмат қилган ҳолда мустақиллигига путур етказмасдан қадимдан ҳамкору ҳамфикр бўлиб келган халқларни яқинлаштириш ва шу асосда ўтиш даври мураккабликларини енгиш энг ҳаётий, энг ишончли ва энг самарали усулдир. Бу айни пайтда юқорида тилга олинган улуғ аждодларимиз қарашларига ва минтақа халқлари мақсадларига тўла мос келади. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов бундай ҳодисани ўз вақтида чуқур баҳолади ва долзарб масала қилиб кўтарди.

Очиғини айтиш керак, дастлаб Президент И. Каримов Марказий Осиё ҳамдўстлиги ҳақида фикр юритганда, кимлардир унга юзаки қаради. Кимлардир Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мавжуд бўлган бир пайтда унинг ҳудудида яна бир ҳамкорлик минтақасини тузиш зарурмикан, дейишди. Яна кимдир бу шунчаки сиёсий ислоҳотчиликка даъвогарлик, ном чиқаришга интилиш, деб баҳолашдан ўзини тия олмади. Бироқ, ҳаёт ҳақиқатни кўрсатди. Вақт — олий ҳакам. У саракни саракка, пучакни пучакка ажратди. Марказий Осиё ҳамдўстлиги ҳаёт ҳақиқати, ижтимоий тараққиёт зарурати, минтақа халқларининг руҳий, маънавий ва ижтимоий эҳтиёжи эканлиги намоён бўлди. Шу билан бирга Президент Каримовнинг давлат ва сиёсат арбоби сифатидаги қарашлари, унинг кенг имкониятлари турли мамлакатлар халқлари дунёқараши, талаб ва эҳтиёжларини ҳар томонлама ўрганиб, олисни кўзлаб иш тутишдек доно фаолияти кўзга яна ҳам ёрқинроқ ташланди.

Жаҳон давлатчилиги тарихи турли хилдаги ҳамкорликлар — иқтисодий, ижтимоий ҳамда сиёсий ҳамжиҳатлик минтақаларини вужудга келтиришга гувоҳ бўлмоқда. Энг тараққий топган давлатларда ҳам ана шундай ҳамкорлик минтақаларини ташкил этишга эҳтиёж сезилмоқда. Европа ҳамдўстлиги, Араб давлатларида Маврит уюшмаси деб аталадиган АПЭК— нефть ишлаб чиқарадиган давлатлар иттифоқи фаолият кўрсатмоқда. Бундай ҳамкорлик бошқа тармоқлар бўйича Африка ва Лотин Америкасида ҳам бор. Айни пайтда Евроосиё Иттифоқини тузиш тарафдорлари ҳам пайдо бўлмоқда.

Ҳозирги замон жаҳон тараққиёти шуни кўрсатадики, ҳеч бир мамлакат якка ўзи бошқа давлатлар билан ҳамкорлик қилмасдан ривожлана олмайди. Ўз халқи эҳтиёжларини ҳар томонлама қондириш имкониятига эга эмас. У қайсидир мамлакат билан ҳисоб-китоб қилиши, қайсидир қўшни давлат билан умумий бозорни вужудга келтириши, маҳсулот айирбошлаши, қолаверса, бир қатор халқаро ташкилотларга аъзо бўлиб, унинг доирасида фаолият кўрсатиши зарур бўлиб қолмоқда. Ана шундай йўлдан бормаган мамлакатлар ҳам мавжуд. Жумладан , Африкадаги Сомали, Судан, Замбия ва бошқа мамлакатларда фақат ўз кучларига ва ўз имкониятларига таяниб иш тутиш нақадар аянчли эканлигини ҳаёт кўрсатди. Бу мамлакатларда уруғ-аймоқчилик, тожу-тахт учун кураш ташқи қарзларнинг кўпайишига, омманинг камбағаллашиб, қашшоқликда яшашига, қолаверса, мамлакат бошқарувининг издан чиқишига олиб келди. Ана шундай пайтда ҳокимият тепасига келган янги ҳукмдорлар миллий бойликни суиистеъмол қилишди, мамлакат қарз тагида қолиб кетди.

Қадимий Турон ҳудудидаги беш мамлакат ўзаро иттифоқини вужудга келтириш шунчаки замонавий шакл, шунчаки баландпарвоз ташаббусга иштиёқмандлик эмас. Аксинча, у жиддий сиёсий, иқтисодий, ижтимоий тараққиёт йўли! Миллий равнақ, тинч-тотув яшаш, ўзлигини намоён қилиш сиёсати! Ҳар томонлама ривожланиш ва порлоқ истиқбол сари қўйилган ниҳоятда самарали ва ишончли қадам. Қудратли, етук ва шаклланган иқтисодий иттифоқни вужудга келтириш ана шу минтақа мамлакатлари халқлари ҳаётида туб бурилиш ясаш билан баробар.

Ўтган йилнинг январида Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ана шу мамлакатлар давлат раҳбарларининг Тошкент учрашуви ташкил этилди. Тарихий бу учрашувда Марказий Осиё Ҳамдўстлигига асос солинди. Барча давлатлар раҳбарлари Ҳамдўстлик ҳақидаги битимга имзо чекишди. Буни жаҳон жамоатчилиги ва ана шу мамлакатлар халқлари қўрсандчилик билан кутиб олдилар ва кенг қўллаб-қувватладилар.

Албатта, бу ҳодисага турли тоифадаги ва қарашлардаги сиёсатчилар, ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар турлича баҳо бердилар. Айримлари ҳатто, минтақадаги мамлакатлар бирлашиб, ягона давлат бўлармиш, дейишгача бордилар. Минтақа раҳбари ким бўлади? Қайси тил давлат тили бўлади, кўпмиллатли минтақа миллий маданиятлари муаммолари қай йўсинда ҳал этилади, қабилидаги саволлар кўпайиб кетди. Президент Ислом Каримов Марказий Осиё Ҳамдўстлигини вужудга келтириш ташаббускори бўлиб чиқиши биланоқ унинг мақсад ва моҳиятини аниқ-равшан кўрсатиб берди. Мустақил Давлатлар суверенитети дахлсиздир. Ҳамдўстликка аъзо бўлган мамлакатлар халқаро ҳуқуқ нормаларига тўла амал қилган ҳолда давлат тизимига, бошқарув усулига ва бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик, Конституциясини ҳурмат қилиш ва тан олиш, фақат иқтисодий ва маданий ҳамкорликни вужудга келтириш, ягона бозор, мол айирбошлаш имкониятларини кенгайтириш, божхона ва чегаралардаги сунъий тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари кўриб чиқилди.

Орадан бир йил ўтгач ана шу ҳамдўстликка амалий пойдевор қўйилди. Шу йилнинг январь ойида Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев Тошкентга келди. Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликка доир қатор ҳужжатларга имзо чекилди. Кўп ўтмай, бу битимга Қирғизистон ҳам қўшилди. Президент Асқар Акаев ана шу ҳамкорлик ташаббусини қўллаб-қувватлади. Натижада уч мамлакат ўртасида ягона бозорни вужудга келтириш, халқларимиз ўртасидаги маҳсулот айирбошлашга имконият яратди.

Марказий Осиё ҳамдўстлиги нафақат бугунги ўтиш даври маҳсули, балки жуғрофий, тарихий-этник ва ижтимоий-иқтисодий эҳтиёждир. Чунончи, бу мамлакатлар жуғрофий жиҳатдан бир-бирига яқин ва зич жойлашган. Сув, электр ва бошқа табиий омиллар ҳам уларнинг бир-бирини боғлаб туради. Қарийб 50 миллионли аҳоли тарихан ягона ўтмишга, ягона тақдирга, бир-бирига уйғунлашиб кетган дунёқараш ва анъаналарга эга. Уларнинг ҳар қандай сиёсий ва иқтисодий ҳамдўстликдан ҳам баланд турган қадимий қадриятлари бор. Минг йилликлар мобайнида маънавий, маданий, ахлоқий, диний ва лисоний муштараклик ҳам мавжуд. Ана шу қадриятларнинг ўзи Марказий Осиё минтақасидаги беш мамлакат ҳужжайраларини, туйғулари ва руҳиятларини эгаллаб олган.

Мазкур мамлакатларда аҳоли жойлашиши ҳам ўзига хос. Дейлик, ҳозирги Тожикистоннинг 23 фоиз аҳолисини ўзбеклар ташкил этади. Қозоқлар ва туркманлар ҳам анча салмоқли ўрин эгаллайди. Қозоғистоннинг айрим вилоятларида асосан ўзбеклар яшайди. Қирғизистоннинг Ўш, Жалолобод, Туркманистоннинг Тошҳовуз ва Чоржўй вилоятларида ҳам худди шундай. Ёки аксинча, Ўзбекистоннинг айрим вилоятларида нисбатан кўпроқ қозоқлар, айримларида туркманлар ва тожиклар яшашади. Ана шундай жойларда миллатларнинг чамбарчас боғланиб кетган қариндош уруғчилик, мустаҳкам дўстлик ва қардошлик ришталари мавжуд.

Айни пайтда Марказий Осиё минтақасига кирган давлатларда ўзига хос табиий ишлаб чиқариш имкониятлари мавжуд. Яқин ўтмишимиздаги рақамларга назар ташлайлик. Собиқ СССР даврида қазиб олинган кўмирнинг қарийб 20 фоизи, газнинг 18 фоизи, олтиннинг 33 фоизи, ўсимлик ёғининг 26 фоизи, пахтанинг 92 фоизи ана шу минтақа ҳисобига тўғри келарди. Ана шунинг ўзидан бой, деҳқончилиги тараққий топган, маъдан ва хазиналари беҳисоб бўлган мамлакатларнинг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш қанчалик самарали эканлиги кўзга ташланмоқда. Бу имкониятларни назарда тутиб Марказий Осиё ҳамдўстлигини тараққий топтириш қардош халқлар ҳаётида туб бурилиш ясалишига асос бўлади.

Мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш, ишлаб чиқариш кучларини ва турдош соҳаларни бирлаштириш жиддий иқтисодий силжишларга олиб келади. Масалан, Марказий Осиё мамлакатлари суғориладиган ерларининг умумий ҳажми 9,5 миллион гектарга етади. Бу экин майдонлари жиҳатидан дунёда 3—4-ўринларни ташкил этади. Пахта, ипак, газ, нефть ишлаб чиқариш ва бошқа соҳалар бўйича дунёда етакчи ўринларни эгаллаб олади. Бу халқаро иқтисодий сиёсатда ва дунё бозорида ўз ҳукми ва таъсирини дадил ўтказиш имконини беради.

Энергетика таъминоти — ҳозирги замон тараққиётининг муҳим тармоғи. Тожикистон ва Қирғизистон минтақадаги бой энергетика мамлакатлари ҳисобланади. Демак, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркманистон саноати тараққиётида бу муҳим аҳамиятга эга.

Яқинда Қирғизистон Республикаси парламенти атоқли ёзувчи Тўлаган Қосимбеков бошчилигидаги бир гуруҳ депутатларнинг мурожаатини муҳокама этди ва уни маъқуллаб, қарор қабул қилди. Мурожаатда Марказий Осиё мамлакатлари конфедерациясини тузиш, минтақа иқтисодий ҳамкорлигини бутун чоралар билан чуқурлаштириш таклифлари баён этилган. Бу ҳам мазкур масаланинг нақадар долзарб эканлигини яна бир бор кўрсатади.

Умуман олганда, Марказий Осиё хонадони — қадимий хонадон. У ўз шонли тарихига, буюк анъаналарига, дунёвий маданиятига эга бўлган улкан ва файзли оила. Ана шу минтақада ҳозир мавжуд бўлган тарихий анъаналарни давом эттириш, уни янги тарихий шароитларда бойитиб бориш, келгуси авлодга ҳар томонлама етук, баркамол жамиятни мерос қолдириш ҳаммамизнинг бурчимиз. Зеро, Президент Ислом Каримов ҳам «Ёш авлодга биз озод ва обод Ватанни мерос қолдирмоғимиз керакки, улар боболарининг улуғ ниятлари ва ишларини давом эттирсинлар. Чунки ёшларнинг маънавий уйғоқлиги миллатни ғафлатдан асровчи асосий омиллардан биридир»,— деган эди.

Нарзулла ЖЎРАЕВ.

ЕТУКЛИК СИНОВИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

қоқлик билан, шошилмасдан муомалага киритиш имконияти мавжуд.

Бунга ўхшаш ҳолларга келсак, 1993 йил июнда Литвада оралиқ пул бирлиги аста-секин муомаладан чиқарилган, у ерда ҳам бир ой мобайнида талонлар билан бирга миллий валюта — лит муомалада юрган.

— Бу ислоҳот 1993 йил ноябридаги пул алмаштиришдан фарқ қиладими?

— Ўтган йилнинг ноябрида республика ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш ва 1961—1992 йиллар намунасидаги рубллар ҳужумининг олдини олиш учун ўз тўлов воситамизни муомалага киритишни жадаллаштиришга мажбур бўлган эдик.

Ҳозир вазият бирмунча барқарорлашмоқда. Миллий валютани муомалага киритиш тинч, осойишта ўтади. Муваққат пул — сўм-купон мустақил молия-кредит ва нарх сиёсатини юритишда бирмунча тажриба тўплашга имкон берди. Унинг воситасида биз миллий пул бирлигини жорий этиш стратегияси ва механизмини ўргандик. Пулнинг қадрсизланишига қарши кураш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди ва синовдан ўтказилди, ўзаро ҳисоб-китоб механизми такомиллашди. Сўм-купон ўз вазифасини бажариб бўлиб, иқтисодий саҳнадан тушиб кетмоқда. Унинг ўрнини миллий валюта эгалламоқда. Улар, республика Президенти Ислом Каримов таъкидлаганларидек, давлат ва халқнинг миллий рамзларидан бири, мустақиллиқнинг муқаддас тимсолидир. Ўз пул бирлигимиз юксак тараққий этган ва мустақил иқтисодиётни шакллантиришга имкон беради.

— Бугунги кунда биз миллий валютанинг муомалага киритилиши бутун банк тизими учун ўзига хос етуклик синови бўлади дея оламизми?

— Ҳа, ҳақиқатан ҳам шундай.

— Мумкин бўлса, миллий валютани жорий этиш механизми ҳақида қисқача сўзлаб берсангиз...

— Миллий пул бирлиги— сўм 1994 йил 1 июлдан бошлаб 1 сўм — 1000 сўм-купон нисбатда муомалага киритилади. Чакана ва бошқа нархлар, тарифлар, иш ҳақи, стипендия, пенсия, нафақалар, фуқароларнинг омонат кассалари ва тижорат банкларидаги омонатлари ана шу нисбатда қайта ҳисоблаб чиқилади. 1 июлдан— 31 июлгача барча тўлов турлари, шунингдек, омонатларга ва республика доирасидаги пул ўтказмаларига сўм билан бирга сўм-купонлар ҳам қабул қилинади. Республика Президентининг Фармонига мувофиқ савдо ташкилотлари, аҳолига хизмат кўрсатувчи барча корхона ва ташкилотлар бу талабни оғишмай бажариши шарт. Ички ишлар вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасига сўм билан сўм-купонлар баробар муомалада бўладиган даврда сўм-купонга товар сотиш ва хизмат кўрсатишдан бош тортган шахсларни қаттиқ жавобгарликка тортиш топширилди.

— Сўм-купонларни омонатларга қабул қилиш шартлари қандай?

— Бу омонатчининг хоҳишига боғлиқ. Сўм-купонларни хоҳлаган вақтда талаб қилиб олинадиган, муддатли ва бошқа ҳил омонатларга чекланмаган миқдорда қўйиш мумкин. Омонатнинг турига қараб белгиланган тартибда фоизлар қўшиб борилади. Омонатчи биринчи сентябргача шахсий омонат ҳисоб варақаларидан ҳисоб-китоб чеклари, чек дафтарчалари орқали ёки омонатчининг топшириқномаси бўйича пул ўтказиш йўли билан операцияларни амалга ошириши мумкин, биринчи сентябрдан бошлаб эса талаб қилинган маблағ сўм ва тийинларда берилади.

— Сўм-купон сўмга алмаштириб бериладими, алмаштирилса, қанча сўм-купон алмаштиришга қабул қилинади ва бунинг учун қандай ҳужжатлар зарур?

— Сўм-купон сўмга махсус алмаштирилмайди. Аҳоли ўз қўлидаги сўм-купонларни 1 августгача товар сотиб олишга, хизматлар ҳақини тўлашга сарфлаши, қолганини жамғарма банклари ва бошқа тижорат банкларига омонатга қўйиши мумкин.

— Банк муассасалари 28 июндан — 30 июнгача иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялардан ташқари, хизматсафар харажатлари, хўжалик эҳтиёжига онд харажатлар ва бошқа тўловларга қандай пул беради? 28 июндан 5 июлгача бўлган вақт мобайнида июль-августдаги меҳнат таътили пулини сўмларда олиш мумкинми?

— Президент Фармонида 28 июндан — 5 июлгача иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларни сўмда бериш кўзда тутилган. Хизматсафар харажатлари, хўжалик эҳтиёжлари учун харажатлар ва бошқа тўловларни банк бешинчи июлдан кейин амалга оширади. Июль-августдаги таътил пуллари, хусусан, олий ва ўрта ўқув юртлари ўқитувчиларига миллий валюта пул бирлигида берилиши лозим...

— Суҳбатимиз охирида миллий валюта муомалага киритилгач, сўмнинг товар билан таъминланиш даражаси тўғрисида банкчи сифатида сизнинг фикрингизни билмоқчи эдик?

— Сўмни муомалага киритиш — бир пул белгисини бошқаси билан алмаштиришдангина иборат эмас. Энг муҳими, валютанинг барқарорлиги ва мустаҳкамлигини, унинг юқори харид қобилиятини таъминлашдан иборатдир. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, давлатлар ўз валютасининг эркин алмаштириладиган бўлишига эришгунча узоқ ва жуда машаққатли йўлни босиб ўтган. Биз ички истеъмол бозорини қачон зарур товарлар билан бойита олсак, саноатимиз имкониятлари қачон кенгайса, ана ўшанда ўз валютамиз кучи тўғрисида фикр юритишимиз мумкин бўлади. Зотан, ҳар қандай валютанинг тўлов қобилияти унинг товар билан қанчалик таъминланганига боғлиқ. Ҳукумат ички ишлаб чиқариш ҳисобига ҳам, четдан мол келтириш ҳисобига ҳам истеъмол товарларини кўпайтириш чора-тадбирларини кўзда тутмоқда.

Ҳозирча жиддий тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда. Республика Президентининг шу йил январь ойида «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» чиқарган Фармони бозор муносабатларининг ривожланишига кучли туртки бўлди. Вазирлар Маҳкамасининг бир қанча қарорлари иқтисодиётда бозор муносабатларини чуқурлаштириш, фермерликни ривожлантириш, истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган.

«Ўзбекистон Республикаси миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида»ги Фармон билан бирга «Экспорт имкониятини кенгайтириш борасида корхоналар фаолиятини рағбатлантиришга оид тадбирлар тўғрисида» Президентимизнинг яна бир Фармони ва «Республиканинг истеъмол бозорини тўлдириш, пул муомаласини мустаҳкамлаш ва экспорт имкониятини кенгайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» Вазирлар Маҳкамасининг қарори ҳам чиққани тасодифий эмас, асло. Ҳаммага маълумки, миллий валюта эркин айирбошланадиган валюта билан та

27 ИЮНЬ—МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ



КАЛАМ

Журналист учун кўз нури, қалб қўри маҳсулини газета, журнал, китобда ўқишдан, эфирда эшитишдан, экранда кўришдан, ўз асарини бошқалар ўқиб, эшитиб, кўриб завқланаётганини, сўзи ишга, одамларга ёрдам бераётганини сезиш, ҳис этишдан ортиқ бахт йўқ.

Одамларни танитиш орқали журналист ўзи танилади. Бунинг учун наинки ойлар, балки йиллар муттасил заҳмат чекиш, кўз нурини тўкиш, билими, тажрибасини ошириш, ақлини қайраб бориш талаб қилинади. Бизда журналист меҳнатининг нисбатан камтарона қадрланиши ҳақида онда-сонда бўлсада гапириб қоламиз.

«Матбуотимиз фидойилари» (1991, 1993) тўпламлари журналист меҳнатининг журналистлар томонидан қадрланиши, баҳоланишига яхши, ибратли мисол. Иккинчи тўплам «Ўзбекистон овози»нинг 75 йиллигига бағишланганлиги ҳам ушбу фикрни тасдиқлаб турибди.

«Ўзбекистон» нашриёти, «Ўзбекистон матбуоти» журнали, Зиёд Есенбоев — «Матбуотимиз фидойилари» тўпламларининг чоп этилиши мана шу уч омилга чамбарчас боғлиқ. Бу омилларни бир-биридан ажратиб, айри ҳолда олиб қараб бўлмайди. Ҳар икки тўпламни «Ўзбекистон» нашриёти чоп этган, мақолаларнинг деярли барчаси «Ўзбекистон матбуоти» журналида эълон қилинган, журналнинг бош муҳаррири, китобларнинг тўпловчиси, нашрга тайёрловчиси, кўп мақолалар муаллифи — Зиёд Исломович Есенбоев (умрлари зиёд бўлсин). У киши катта ҳаёт, ижод тажрибасига эга бўлган журналист, нашир, арбоб. «Тошкент ҳақиқати», «Қизил Ўзбекистон» газеталарига узоқ йиллар бош муҳаррирлик, Ўзбекистон журналистлар уюшмаси бошқарувига, республика нашриёт, полиграфия, китоб савдоси Давлат қўмитасига раислик қилди. Республикамиз оммавий ахборот воситалари, унинг дард-муаммолари Зиёд оғага беш қўлдай маълум.

«Фидойилар»да матбуотимиз тараққиётига катта ҳисса қўшган, қатағон даврининг қурбонлари бўлган таниқли журналист-публицист Муҳаммад Ҳасан (муаллиф Тўлқин Рустамов), Абдулҳамид Чўлпон, Усмонхон Эшонхўжаев, Қосим Сорокин (Тоҳир Фидойи), Маннон Рамзий (Башорат Жамилова), Зиё Саид (Ориф Саидов), Филипп Ксенофонтов (Рубен Сафаров) ҳақида мақола берилганини алоҳида мамнуният билан қайд этмоқ жоиз. Булар — ҳамир учидан патир, катта ишнинг кичик бир қисми, марҳум ижодкорларга қўйилган мўъжаз ҳажвал. Катта бир туркум мақолалар матбуотимизда сезиларли из, ўзидан яхши ном қолдириб кетган журналист, матбаачиларнинг барҳаёт сиймоларига бағишланган. Комил Алиев, Шароф Рашидов, Ҳожиакбар Ғуломов, Степан Черник, Рихси Саҳибоев, Вали Галямов, Рустам Абдураҳмонов, Воҳид Зоҳидов, Акмал Пўлат, Аҳмаджон Ёқубов, Баҳри Ғуломова, Йўлдош Қосимов, Эгам Раҳим, Тўлқин Рустамов, Холбек Ёдгоров, Ҳабиб Нўъмон, Саъдулла Кароматов, Мели Жўра, Абдулла Мирзаев, Аҳмад Исмоилов, Салимжон Маҳкамов, Тўғон Эрназаров, Солиҳ Ҳасан, Лутфулла Ҳамроев, Босит Халилов, Умар Хўжаев, Шерали Тошматов, Абдукарим Набиҳўжаев, Фотима Юнусова, Қодир Маҳсумов, Исаак Глауберзон Мисриддин Муҳаммадиев, Шомурод Сиддиқов, Қўзи Йўлдошев, Раҳим Довутбеков, Раҳмон Чинмирзаев, Абдурашид Рустамов ҳақидаги мақолалар муаллифлари — уларнинг ҳамкасблари, сафдошлари, шогирдлари, ёзувчи, олим, мутахассислардир. Айрим марҳум журналистлар хотирасини абадийлаштириш борасида муайян ишлар қилинган, номларига мактаб, кўчалар қўйилган, ёдгорлик лавҳалари ўрнатилган. Лекин кўп иш ҳали олдинда.

Ҳар икки тўпламдан жой олган мақолаларнинг аксариятини давримиз, юртимиз солномасини битишга, ватандошларимиз портретини чизишга, мустақиллик мафкурасини шакллантиришга муносиб ҳисса қўшган, қўшиб келаётган заҳматкаш, фидойи, камтар ҳамкасбларимиз ҳақидаги мақолалар ташкил этади. Дарҳақиқат, тўпламларда ёшига кўра фахрийлар сафидан ўрин олган, лекин ижтимоий ҳаётда фаол, қаламни қўлдан қўймай келаётган И. Раҳим, З. Есенбоев, У. Иброҳимов, Назармат, Ш. Кузанбоев, И. Устименко, М. Самадов, Н. Насимов, Р. Раҳмонов, Н. Ниёзмуродов, Н. Риҳсиев, Т. Расулов, И. Сулаймонов, А. Рашидов, Ю. Йўлдошев, А. Муҳиддин, И. Тўхтасинов, О. Ҳусанов, Ш. Қосимов ва бошқа ҳамкасбларнинг ибратли ҳаёт йўли, ижодий фаолияти, касбий маҳоратидан ҳикоя қилувчи, айни етуклик палласига кирган. А. Кўчимов, Ж. Раззоқов, Р. Умаров, А. Қорабоев, М. Мирзамуҳамедова, Ж. Ҳолқосимов, Т. Расулов, В. Каримов, И. Сотволдиев, Ш. Умурзоқов, Ш. Миролимов, А. Пўлатов, М. Маҳкамов, А. Турғунов, М. Калонхонов, Д. Маҳмудова ва бошқаларнинг ижодий изланишлари, маҳорат нуқталарини таҳлилтадқиқ этувчи лўнда мароқли мақолаларни ўқиймиз.

ФИДОЙИЛИКНИ

Тўпламлардан жой олган портрет чизгиларнинг энг муҳим фазилати, бизнингча, журналист ҳаёти, фаолияти, шахсиятининг ибратли жабҳалари, етакчи қирралари, маҳорат нуқталарига айрича аҳамият берилганидир. Бу — ижодкорлар, айниқса, ёш қаламкашлар учун жуда муҳим, ибратли ҳол. Маълумки, журналистикага бағишланган илмий-оммабоп китоб, дарслик, қўлланмалар бизда ҳали кам. Холбек Ёдгоровнинг «Нурли йўл», «Ҳаёт тўлқинлари», Нусрат Раҳматнинг «Мен—редакцияданман», Мели Жўранинг «Ноширнома» китобларининг ўз вақтида қизиқиб ўқилганлиги боиси ҳам шунда.

Энди тўпламлардан бир неча мисол келтирайлик. Ж. Холқосимовнинг «Исёнкор мухбир» мақоласи Анорбой Қуронбоев ҳақида. Андижонлик таниқли журналист ўз ҳаёти, фаолиятидан бошқалар учун ибратли воқеа, далиллар келтиради: «Асалари каби «бол» йиғиш, ҳамиша халқ орасида бўлиш, кечалари ҳамма дам олганда ҳузур-ҳаловатдан кечиб ишлаш, ижод қилиш зарур».

Тўлқин Эшбек «Ахборот қироли»да тезкор мухбир Абдулла Пўлатов Ш. Рашидовнинг 75 йиллигига унинг сафдоши, дўсти Д. Қўнаевдан Олмаотага бориб интервью олиб, ёзиб, юбилей сонига беришга, бунинг устига Тошкентда оқсоқолни кутиб олишга улгургани ҳақида мароқли ҳикоя қилади.

Бир қанча мақола бош муҳаррирлар фаолиятига бағишланган.

«Мен ошна-оғайним ёки «юқори»дан қўнғироқ қоқиб тавсия этилган нўноқ қаламкашни ишга олмайман, — деган экан Саъдулла Кароматов «Оқшом»га муҳаррирлик пайтида. Рўзномага қалами ўткир, сергайрат, «арава»ни сизлар билан баравар тортишадиган, эшик ёпиқ бўлса, тешикдан тушиб қизиқ мақола топиб келадиган, оёғидан ўт чақнайдиган журналист керак... (Т. Расулов. «Мумтоз муҳаррир»), хизмат кўрсатган журналист Тоҳир Мирҳодиевнинг қизиқ бир ҳикоясини келтиради. Т. Мирҳодиев «Тошкент ҳақиқати»да ишлаётган кезлар навбатчилиги пайтида жиддий хато ўтиб кетади: Н. С. Хрушчевнинг кўпинча газетанинг тайёр сони бузилиб, ярим кеча бериладиган кетма-кет, тизгинсиз нутқларидан бирида «Қуролсизланиш» сўзи «қуролланиш» бўлиб чиқиб кетади. Мухбирнинг оёғини ерга теккизмай таҳририят мажлисига ҳозир қилишади. «Хато ўтказган ҳамма ходимларни лавозимидан бўшатиш керак», — дейди ўта ҳушёр партбюро аъзоларидан бири. «Сиёсий кўрларга орамизда ўрин йўқ»,— уни қўллайди бошқаси. «Жазолаш қочмайди, — дейди Аҳмад Исмоилов. — Улар ҳали ёш, эҳтимол тажриба-кўникма етишмагандир. Ўзларини оқлашлари учун имкон берайлик. «Ҳайфсан» билан чеклансак бўлади».

Шу деталдан бош муҳаррирнинг бағри кенглиги, ғамхўрлиги, узоқни кўзлаши, ёш ходимларни асраб-авайлаши ва бошқа инсоний фазилатлари яққол намоён бўлади.

Бир нарсани қайд этиш жоиз: «Матбуотимиз фидойилари» тўпламларида зикр этилган журналистлар, асосан, маъмурий қўмондонлик йилларида ижод қилишган. Тўпламнинг биринчи жилди сўз бошисидаги «ушбу китоб коммунистик партиянинг жанговар ғоявий қуроли, жўшқин ҳаётимиз ойнаси, халқимиз минбари» каби узоқ вақтлар ишлатиб келганимиз баландпарвоз сўзлар бугун бир қадар эриш туюлади, ҳушёр торттиради. «Етакчи раҳнамо» — коммунистик партия матбуотнинг жиловини қўлига маҳкам тортиб тургани имкониятларни чеклагани, мафкуравий тазйиқ кучли бўлгани маълум. Эллик тўққизинчи йили, Иттифоқ журналистларининг биринчи съездида Н. С. Хрушчев қавмимизни «Партиянинг содиқ дастёрлари» деб атаган, кўтарган, мақтаган бўлиб аслида ерга урган, ҳақоратлаган эди. Шундай оғир шароитда ҳам журналистларимиз иқтидорлари, имкониятларини тўла намойиш этишга ҳаракат қилдилар. Бу хусусда Соат Мусаев «Устоз ибрати» мақоласида жуда тўғри ёзади: «Ҳозирги ёшлар нима деса десину лекин ўша турғунлик йиллари матбуоти ва унинг вакилларидан ўрганадиган жиҳатлар ҳам кўп. Тўғри, эллик, олтмиш ва етмиш, саксонинчи йиллар журналистлари ягона мафкурага бўйсундирилган, чизиб берилган чегара доирасидан чиқишга йўл қўйилмасди, бироқ ишга бўлган садоқат, интизом ва масъулият, саводлилик ва тезкорлик ҳавас қилгудек эди».

Эринмай, атайин санаб чиқдим: «Мабуотимиз фидойилари» тўпламлари мақолалари қаҳрамонларидан 26 нафари, муаллифлардан 39 нафари Тошкент Давлат университети журналистика бўлими, факультетида таҳсил кўр-

ЁҚТИРАДИ

ган ё ишлаган ижодкорлар экан. Бу даргоҳни асос солинган кундан ҳозирга қадар 6 мингга яқин малакали мутахассис битириб чиқди. Аксарияти оммавий ахборот воситаларида фаол хизмат қилишяпти, улар орасида нашрларнинг бош муҳаррирлари, давлат ва жамоат арбоблари анчагина, аксарияти журналистлар уюшмасининг, кўпчилиги ёзувчилар уюшмаси аъзоларидир. Марказий Осиё республикаларида узоқ вақт ягона бўлиб келган ушбу факультет, бўлим Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон, Жанубий Қозоғистон, учун ҳам кўпгина журналист кадрлар тайёрлаб келди ва тайёрлаб келмоқда. Яқиндан бери Қирғизистон, Тожикистонда ҳам журналистика факультетлари очилди. Ўн беш йилдан бери Осиё, Африка, Лотин Америкасининг бир қанча мамлакатлари вакиллари келиб таҳсил олмоқда. Рамзий маънода айтганда, ТошДУ журналистика факультети (бўлими) эллар, диллар ўртасида ўзига хос мўъжаз дўстлик кўприги бўлиб келмоқда.

Истагимиз: «Матбуотимиз фидойилари» ҳар икки йилда бир марта чиқиб турадиган бўлса, оммавий ахборот воситаларида сидқидилдан меҳнат қилаётган, хизмати синган журналистлари ҳақидаги ҳикоялар, бу тўпламдан ўрин олса,

Сайди УМИРОВ,
ТошДУ доценти, журналист, ёзувчи.

ҚИРЧИЛЛАМА ЁШДА ЭДИ

Ҳожиакбар Ғуломов «Қизил Ўзбекистон» газетасига икки бор муҳаррирлик қилмоққа мушарраф бўлган зукко ва талабчан аллома-журналист эди. У қирқ икки ёшида, авжи куч-қувватга тўлган, қирчиллама йигит чоғида ёруғ дунёдан кўз юмди. Аммо Ҳожиакбар ака қисқа умр кўрган бўлса ҳам катта ва мураккаб ҳаёт мактабини босиб ўтди, эл-юрт учун кўп хайрли ишлар қилди, ижоди бўлса гўё бир дарё эди.

Қўлимизда унинг вафодор турмуш йўлдоши Робия опанинг Ҳожиакбар ака тўғрисида авайлаб сақлаб қўйган турли ҳужжатлар, газета ва журналларда босилган мақолалар, ҳаётий далиллар акс эттирган суратлар,—бутун бир ҳаёт мактаби. Сарғайиб кетган варақларни бирма-бир эътибор билан синчиклаб кўрамиз.

Ҳожиакбар Ғуломов. Қисқача ёзилган ҳаёт йўли:

1914 йилда Тошкентда боғбон-деҳқон оиласида туғилган. Ёшлигидаёқ етим қолиб, бобосининг қўлида тарбияланди. Техникум-интернатни тугаллаб, 1934 йилда Москвадаги тарих-фалсафа институтида таҳсил кўради. Кейин хасталиги туфайли Тошкентга қайтиб келиб, педагогика институтида ўқишини давом эттиради. Ўзининг кенг билими, истеъдоли туфайли талабалик чоғидаёқ студентларга лекциялар ўқий бошлади. Институтни имтиёзли диплом билан тугаллаб, пойтахт олий даргоҳларда муаллимлик қила бошлади, илмий ишлар билан шуғулланди. Шу даврдан бошлаб унинг газета, журнал саҳифаларида тарих, фалсафага доир мақолалари босилади.

Журналистикага бўлган ҳавас, эътиқод уни 1940 йили «Қизил Ўзбекистон» даргоҳига бошлаб келди. Дастлаб адабий ходим бўлиб ишлади. Ўша вақтда «Қизил Ўзбекистон» республикамизнинг асосий газетаси бўлиб, унда журналистларнинг катта бир авлоди иш олиб борар, зиёлилар, тажрибали ижодкорлар газета атрофига йиғилган эдилар. Катта ҳаёт дорилфунуни ҳисобланган газета Ҳожиакбар акадек зукко, билимдонга кенг қанот бахш этди. Ўзининг ишчанлиги, жонкуярлиги, талабчанлиги, қатъийлиги билан газетачилар даврасида катта обрў-эътибор қозонди. Ниҳоят, кўп ўтмай газета муҳаррирининг ўринбосари, 1941 йил май ойидан бошлаб эса муҳаррир этиб тасдиқланди.

Газетанинг қайноқ, ижодий муҳити Ҳожиакбар Ғуломовни янада чиниқтирди. 1943 йилдан бошлаб вилоят, кейинчалик республика партия ташкилотида раҳбарлик лавозимларида, Халқ Комиссарлар Совети ҳузуридаги Санъат ишлари бошқармасида ишлади. Сўнгра Москвадаги Олий партия мактабида ва ижтимоий фанлар академиясида ўқиди. Тарих бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1950 йил иккинчи марта «Қизил Ўзбекистон» газетасига муҳаррир бўлиб тасдиқланди.

Ёдимда, Ҳожиакбар Ғуломовга қадар газетамизга барчамиз учун ҳурматли, улкан аллома Шароф Рашидов муҳаррирлик қилган эди. Ўша давр газетанинг энг гуркираган, камолат чўққисига кўтарилган даврлари десак хато бўлмас. Шароф акадан кейин газетага муҳаррир этиб тайинланадиган одам ҳар тарафлама етук, илмли, катта ҳаёт мактабини ўтаган киши бўлиши лозим эди. Ҳожиакбар Ғуломов муносиб давомчи эканлигини кўрсатди.

Ҳожиакбар Ғуломов муҳаррир бўлиб келган кезлари мен адабий ходим бўлиб ишлардим. Фикримча, бу вақтда газета саҳифаларида давр нафасига мос илмий-маърифий мавзуларда, ахлоқ-одоб, фалсафага доир жуда кўп мақолалар берилган. Газетада «Қизил Ўзбекистон» университети ташкил этилиб, машҳур олимларнинг турли мавзуларда чиқишлари, республикамиз иқтисодий-маданий ҳаётига доир пишиқ-пухта, назарий жиҳатдан бақувват мақолалар ўрин олган.

1953 йил Ҳожиакбар Ғуломов Ўзкомпартияси Марказий Қўмитасининг тарғибот ва ташвиқот бўлими мудири, кейин эса Марказий Комитетнинг мафкура масалалари бўйича котиби бўлиб ишлади. У ҳаётининг сўнгги дамларигача газетачиларнинг энг яқин дўсти бўлиб қолди.

Мақсуд ҚОРИЕВ.

Ушбу сурат олинганига ҳам қарийб қирқ беш йил бўлган. Унда журналистлар ҳаётининг ажойиб, бетакрор дақиқалари акс эттирилган. Кўриб турибсиз, муҳарриримиз Ҳожиакбар ака ўзининг энг яқин сафдошлари даврасида. Суратдагиларни кўплар яхши танишади. Уларнинг ҳар бири бир дунё, журналистикамиз тарихида ўчмас из қолдирган атоқли кишилар.

Таниши: қаторда биринчи бўлиб турган В. Ф. Архангельский, ўша вақтда бирлашган нашриётнинг директори бўлиб ишлаган. Муҳаррирнинг ёнида атоқли драматург ва журналист Баҳром Раҳмонов, тўртинчиси газетанинг фаол қатнашчиларидан бири, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, Ўзбекистон Фанлари академиясининг мухбир аъзоси Отабой Эшонов, ундан кейингиси Рихси Саҳибоев, кейингиси Зиёд Есенбоев, еттинчиси эса нашриётнинг бош ҳисобчиси М. И. Тулузаков.

• ХДП ҳаётидан

ВИЛОЯТ КЕНГАШЛАРИ ПЛЕНУМЛАРИ

ЖИЗЗАХ

Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда ХДП Марказий Кенгаши Х ва вилоят кенгаши VI пленуми қарорлари асосида бошланғич партия ташкилотларига раҳбарликни такомиллаштириш ҳамда уларнинг ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишдаги фаоллигини ошириш юзасидан партия кенгашларининг вазифалари муҳокама қилинди. Бу ҳақда вилоят кенгашининг биринчи котиби Г. Субҳонова маъруза қилди.

Маъруза юзасидан музокараларда Зарбдор тумани ҳокимининг ижроия идораси раҳбари М. Носиров, Жиззах туманидаги Ҳ. Носиров номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи П. Зиёдов, Бахмал тумани партия кенгаши биринчи котиби Х. Эсонов ва бошқалар сўзга чиқишди.

Келдиёр ЖУРАҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

* * *

НАМАНГАН

Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгашининг навбатдаги пленуми бўлди. Унда вилоят партия кенгаши ижроия бюросининг кейинги бир йиллик фаолияти ва партия ташкилотларининг келгусидаги вазифалари муҳокама этилди. Шу юзасидан вилоят партия кенгашининг биринчи котиби А. Фаёзов маъруза қилди.

Р. ИРИСОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Янги газета*

ОҚ ЙЎЛ, «РЕГИСТОН!»

Матбуот куни арафасида Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Самарқанд вилоят кенгаши нашри бўлган «Регистон» газетасининг илк сони муштарийлар қўлига тегди. Унда партия Марказий Кенгаши ва вилоят ҳокимлигининг табрикномалари ҳамда кўплаб диққат тортар мақолалар чоп этилган. Рўзноманинг илк сони чиқиши муносабати билан кенг жамоатчилик иштирокида адабий мусиқали кеча ўтказилди. Вилоят ҳокимининг ўринбосари А. Худойқулов, вилоят партия кенгаши биринчи котиби Й. Суюнов, «Лидер» фирмаси президенти Х. Раупов, «Фарҳод ва Ширин» акционерлик жамияти раиси А. Азимов, шоира Х. Бобомуродова муштарийларни янги рўзнома билан муборакбод этишди.

Т. ФАРМОНОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

(Давоми: Бошн биринчи бетда).

ҚУЙИДАГИЛАРГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БЕРИЛСИН:

АБДУЛЛАЕВ Абдуғани «Ўзбекистон матбуоти» журнали масъул котиби

АСҚАРОВ Қобилжон «Андижонома» вилоят газетасининг бўлим мудири

АҲМЕДОВ Ашурали «Маърифат» газетасининг бўлим мудири

БОЙМУҲАМЕДОВ Рустам «Туркистон» газетасининг мухбири

ЖУЛИНА Светлана Аршаковна Президент девони босмахонаси бошлиғи

ЖУРАЕВ Ашурали Очилович «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг бўлим мудири

ИБОДИНОВ Алишер Олтиариқ тумани «Давр овози» газетаси муҳаррири

МАТКАРИМОВ Шуҳрат Мадраимович Ўзбекистон телевидениеси Хоразм вилоятидаги мухбири

МЕЛИБОЕВ Раҳимжон «Сирдарё ҳақиқати» вилоят газетасининг бўлим мудири

МЕНГЛИҚУЛОВ Ботир «Сурхон тонги» газетасининг бўлим мудири

МУҲИДДИНОВ Салоҳиддин Фазлиддинович «Халқ сўзи» газетасининг бош муҳаррир ўринбосари

НИЗАЕВ Тимур Теджиевич «Правда востока» газетасининг шарҳловчиси

НОРМАТОВ Иброҳим Давлат телерадиокомпаниясининг дастурлар директори муовини

ОЛИМЖОНОВ Ҳабибулла Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати бошлиғи

ПОЗИЛОВ Абдуҳамид Маннопович Қибрай тумани «Давр овози» газетаси муҳаррири

САТТОРОВ Умид Қизилтепа тумани газетаси муҳаррири

СОСНИН Владимир Алексеевич «Кашқадарьинская правда» газетаси муҳаррири

ТОЛИПОВА Басбуви Жиззах вилоят босмахонасининг ҳарф терувчиси

УСМОНОВА Мамлакат «Тошкент» матбаа корхонаси муқова цехининг ишчиси

ХЎЖАЕВА Назирахон Болтабоевна Миллий ахборот агентлигининг Наманган вилоятидаги мухбири

ҲУЖАМБЕРДИЕВ Ёқубжон «Ватан» газетасининг муҳаррири

ҚОДИРОВ Собир Пешку тумани «Меҳнат зарбдори» газетаси муҳаррири.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 23 июнь.

МУКОФОТЛАР МУБОРАК

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан партия нашрлари ходимлари, журналистларнинг бир гуруҳини Марказий Кенгашнинг Фахрий ёрлиқлари ва пул мукофотлари билан тақдирлади.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ МАТБУОТ МАРКАЗИ.

Таниши: **ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ**

Маълумки, «Ўзбекистон овози»нинг шу йил 12 май сонида ижодий танлов шартлари эълон қилинганди. Ўзбекистон Республикаси Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги ҳомийлигида ташкил этилган бу танловга кўплаб журналистлар, олимлар, ёзувчилар ва турли касб эгалари ўз асарларини тақдим этдилар. Таҳририят улардан энг саралаларини танлаб газетхонлар ихтиёрига ҳавола этди.

Республика Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни арафасида республика Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги раҳбарияти ва таҳрир ҳайъати эълон қилинган асарларни кўриб чиқиб, қуйидаги қарорни қабул қилди.

БИРИНЧИ ЎРИН — «Сув ҳақида сўз» мақоласи учун —
Шуҳрат ЖАББОРОВга;

ИККИНЧИ ЎРИН — «Ватан афсунгар наво» ва бошқа публицистик мақолалари учун —
Нарзулла ЖУРАЕВга;

УЧИНЧИ ЎРИН — «Ўттиз еттинчи баҳор» очерки ва маърифий-маънавий мавзудаги қатор мақолалари учун —
Норқобил ЖАЛИЛга берилди.

Таҳрир ҳайъати ғолибларни бу ижодий муваффақият билан самимий табриклайди ва ушбу танловни ташкил этишда ҳомийлик қилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигига миннатдорчилик билдиради.

МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

● Кеча Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонасида матбуот конференцияси ўтказилди.

Қозоғистон Республикаси элчиси Нажимеден Искалиев телевидение ва оммавий ахборот воситалари вакилларига мустақил Қозоғистондаги иқтисодий-ижтимоий аҳвол ҳақида сўзлади.

Қозоғистон Республикаси элчиси журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Н. ҲАЙДАРОВ.

«МЕҲРЖОН» ЧОРЛАЙДИ

Бугун, яъни 25 июнь эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳридаги «Меҳржон» истироҳат боғида республика Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан байрам сайли бошланади.

Унда кўрик-танлов ғолибларига мукофотлар топширилади, жамоат ташкилотлари, ижодий уюшмалар, корхона ва ташкилотлар вакиллари байрам қатнашчиларини табриклашади. Бу ерда таниқли ёзувчилар, шоирлар, рассомлар, фан ва табобат илми вакиллари билан учрашувлар, санъаткор ва қизиқчиларнинг чиқишлари, байрам томошалари кўнгилларни хушнуд этади, китоб савдоси ходимлари хизматингизда бўлади.

Байрам сайлига марҳабо!

• *Журналист хотиралари*

САБОҚ

Қирқ тўққизинчи йилнинг июль ойида «Ленин учқуни» газетаси йўлланмаси билан Қашқадарё вилоятига сафарга бордим. Қарши шаҳар бозорига кираверишдаги чойхонада Тошкентдан келган басавлат кишиларга кўзим тушди. Улар орасида бир ёш аёл ҳам бор эди. Таништик, бироз суҳбатлашдик. «Қизил Ўзбекистон» газетаси ходимлари Раҳмат Файзий, Ҳабиб Нўъмон, вилоят газетасининг редактори Нўъмон Ғуломов, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари Саломовалар экан.

«Ленин учқуни»дан келганимни билган Саломова вилоят ёшларининг дам олиши қандай ташкил қилинганн ҳақида мақола тайёрлашни таклиф этди.

— Чамамда сиз биринчи командировка қандай бўлар экан деган ўйдасиз!— деди мени зимдан кузатиб ўтирган Раҳмат Файзий.— Асло ташвишланманг. Аввало, топширилган топшириқнинг муҳимлигини, газета сиздан қандай янгилик кутаётганига аҳамият беринг. Икир-чикирни ҳам эринмай ўрганиш керак.

Ҳабиб Нўъмон, Раҳмат акалар журналист ташвишлари, айрим воқеалар ҳақида ҳикоя қилиб беришди. Дам олгач, йўлга тушдик. Мен ҳам улар билан бирга кетдим.

Мухбирлар олдиндан белгиланган жойга бориб, ранс қабулига киришмоқчи бўлишди. Ранс:

— Ҳозир бандман, сабр қилишсин,— дебди котибга. Буни эшитиб Раҳмат ака олдинда, орқасидан Ҳабиб ака раснинг хонасига тўппа-тўғри кириб боришди.

— Журналистлар эшик қоқмай киришади, бунинг учун узр,— деди Раҳмат ака хушмуомалалик билан.

— Биз область пахтакорлари ҳаётидан эртага чиқадиган газетамиз учун телефонда мақола узатишимиз керак, газета ҳозиржавоб орган, ҳеч кимни қутмайди, чунки газета халқники,— Ҳабиб Нўъмон шундай деди-да ён дафтарини варақлай бошлади. Мен учун бу воқеа катта сабоқ бўлганди.

ЖУРНАЛИСТ-ЖАНГЧИ ОПА

Пойтахт кўчаларида кетаётиб, Зифа Шамсиддинова кўчаси деган ёзувга кўзим тушди. Хаёлимда собиқ Инқон кўчаси, Полиграф комбинати бинолари, ҳаваскор мухбирлар билан «Ленин учқуни» газетасига қўтарилиладиган зиналар, Асом Исҳоқов, Ваҳоб Рўзиматов, Ғиёс Соатий, Зафар Диёр, Ҳаким Назирлар жонланганидек бўлди.

Зифа опа болалар уйида тарбияланган болаларга кўпроқ эътибор беришини сезардим. Лекин сабабини тушунмасдим. Комсомол формасида юрадиган Зифа опа «Мақолангизни тез кунда чиқариб юборамиз»,— деб қўлимдан етаклаб трамвай йўлига кузатиб, қўлимга 5—20 тийин берарди. У вақтда [1934 йиллар] ёзган нарсаларимизга қалам ҳаки олмасдик.

Зифа опа фақат журналистгина эмас, ёш мухбирларнинг тарбиячиси, мураббияси ҳам эди. Шундай ажойиб аёл фронт газетасини чиқараётганда ҳалок бўлди, деган хабар менинг учун катта йўқотиш бўлганди.

Раҳматилла ИСҲОҚОВ.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

Душанба, 27. VI

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги. Ярим финал. «Нефтчи» — «Навбаҳор». 2-тайм. 18.55 «Иқтисодимиз таянчлари». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 Мусиқий дақиқалар. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ. «ҲАМКАСБЛАР». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахборот. 21.25 Эълонлар. 21.30 Санъат усталари ва ёш ижрочилар концерти. 22.10 Турғун Пўлат. «Ичкуёв». Видеофильм. 1-қисм. 23.15 «Ўзбекистон» ахборот. 23.40 «Олтин маъбуда». Бадиий фильм. 00.55 Футбол. Жаҳон чемпионати. (Танаффус пайтида — Эълонлар ва Янгиликлар).

ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида). 19.50 «Билиб қўйган яхши». 20.10 «Хотира билан суҳбатлар». Телефильм. 20.45 «Бу бўстон аро». 21.15 «Шарқ лирикаси». 21.35 «Буланка» меҳмонхонаси». Бадиий фильм. 23.10 — 24.00 «Алишер Навоий». Телефильм.

ЎзТВ III ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ 18.00 — 19.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕКАНАЛИ

19.55 Душанба куни детектив. «Қора кобра». Бадиий фильм «Овросиё-ТВ». 21,35 «Ҳақиқат онлари».

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30 — 24.00 «Етуклик аттестати». Бадиий фильм.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 «Тиғиз пайт». 18.25 «Шаддод Роза». Телесериал (Мексика). 18.55 «Биз». В. Познернинг муаллифлик кўрсатуви. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Бу сирли Майкл». 21.10 — 23.00 «Останкино» телеканалида биринчи марта. «Мигрантлар». Бадиий фильм («Мосфильм», 1991 й.).

Сешанба, 28. VI

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.30 Футбол. Жаҳон чемпионати. 9.20 «Виктор Чернишев ҳаётидан уч кун». Бадиий фильм. 11.00 «Абитуриент-94». Химия. 11.30 «Яхшидан боғ қолади». Телефильм. 11.55 — 12.25 «Абитуриент — 94». География.

17.55 Кўрсатувлар тартиби 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Ғазалхон ёшлигим». 18.50 «Кичик корхоналар истиқболи». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 Футбол шарҳи. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 «Инсон ва қонун» почтасидан. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахборот. 21.25 Эълонлар. 21.30 «Ҳилол» студияси. «Тилсим». 22.15 Турғун Пўлат. «Ичкуёв». Видеофильм. 2-қисм. 23.20 «Ўзбекистон» ахборот. 23.45 «Севги нидоси». «Тановар» миллий рақс ансамблининг Алишер Навоий достони асосида яратган спектакли. 00.55 Футбол. Жаҳон чемпионати. (Танаффус пайтида — Эълонлар ва Янгиликлар).

ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахборот» (рус тилида).

«ОМАД» таништиради:

19.50 «Мультфейерверк». 20.35 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва эълонлар. 21.00 Видео янгиликлари. 21.20 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва эълонлар. 22.00 — 24.00 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ «ОМАД» таништиради:

9.00 «Совға». 9.30 «Ҳар соҳадан бир шингил». 9.35 Эълонлар. 9.40 Видео — «О». 11.20 Эълонлар. 11.25 «Курьер». 11.40 «Эм-Ти-Ви»дан мусиқалар. 12.00 «Ҳар соҳадан бир шингил». 12.15 Эълонлар. 12.20 «4/8». Мусиқий кўрсатув. 12.40 «Даракчи». 12.50 Эълонлар. 13.00 Видео — «О».

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.25 Футбол бўйича жаҳон чемпионати.

18.20—19.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 Хонаки экран «Санта Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 336-серия. 20.45 «Ҳеч ким унутилмайди». 20.50 Булат Окуджаванинг юбилей кечаси. 21.40 Б. Окуджава юбилей кечасининг давоми.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25 — 00.35 «Биринчи пассажирлар». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 7.45 «Тонг».

18.00 «Тиғиз пайт». 18.25 «Шаддод Роза». Телесериал. 18.55 «Мавзу». 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Илк манбадан». 20.40 «Шеърият альбоми». 21.00 «Х» кўрсатуви. 21.15 «Матбуот-экспресс». 21.25 — 23.25 Футбол. Жаҳон чемпионати.

Чоршанба, 29. VI

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.30 Болалар учун. «Ғунча». 8.55 Н. Думбадзе. «Абадият қонуни». 9.55 Футбол. Жаҳон чемпионати. 11.55 «Абитуриент — 94». Математика. 12.25 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 12.40 — 13.00 «Кичкинтой» устахонаси.

17.55 Кўрсатувлар тартиби 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Таълим ва ислоҳот». 18.35 «Танбур». Телефильм. 18.55 «Кашф этилаётган имкониятлар». Жиззах тумани «Туркистон» кичик корхонаси фаолиятидан. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Шеърий дақиқалар». Қамбар Ота. 20.05 Кинолавҳа. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 «ИСТИҚЛОЛ ЙЎЛИДА». 20.55 Эълонлар 21.00 «Ўзбекистон» ахборот. 21.25 Эълонлар. 21.30 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. «ГУЛЛА, ЯШНА, МУСТАҚИЛ ДИЁР!». ЭКРАНДА — АНДИЖОН ВИЛОЯТИ. 22.30 ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК ҚЎШИҚЛАРИНИНГ «АНОР» ТЕЛЕВИЗИОН ТАНЛОВИ. 23.20 «Ўзбекистон» ахборот. 23.45 — 00.50 Турғун Пўлат. «Ичкуёв». Видеофильм. 3-қисм.

ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида). 19.50 Камер куйларидан концерт. 20.20 Ўзбек киносининг 70 йиллигига. «Ўчмас йиллар хотираси». Кинопрограмма. 20.50 «Спринт». 21.10 Нил Саймон. «Ишқ эҳтирослари». 22.55 — 01.15 «Икки кишилик вокзал». Бадиий фильм. 1 — 2-сериялар.

ЎзТВ III ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати.

19.20 — 20.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.05 «Ауденция». Туркманистон Президенти Сапармурот Ниёзов билан суҳбат. 20.45 «Ҳеч ким унутилмайди». 20.50 «Л-клуб». 21.35 «Мен — йўлбошчиман». 22.00 Фильмлар премьераси. 22.15 Криминал хабарлар экрани.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25 — 23.55 «Катталар ва кичиклар». Бадиий фильм.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 7.45 «Тонг».

18.00 «Тиғиз пайт». 18.25 «Шаддод Роза». Телесериал. 18.55 «Кинопанорама». 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Монолог». 20.40 П. И. Чайковский номидаги Х халқаро танловда. 21.00 Телефильмлар. 21.25 — 23.25 Футбол. Жаҳон чемпионати. Марокаш — Голландия терма командалари.

Пайшанба, 30. VI

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.30 Болалар учун фильм. «Камолот сари». 9.50 Футбол. Жаҳон чемпионати. 11.40 «Абитуриент-94». Ўзбек тили ва адабиёти. 12.10 «Ўзбекистон спорти». 12.40 «Абитуриент-94». Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 13.10 — 13.25 «Уорлденент» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).

17.55 Кўрсатувлар тартиби 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Чорраҳа». 18.40 «Авлод соғлиғи — юрт бойлиги». Телефильм. 18.50 Ҳаётхон Ортиқбоева. «Оқ тонглар умиди». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 Футбол шарҳи. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 «Ислоҳот ва муаммо». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахборот. 21.25 Эълонлар. 21.30 «Аёл қалби наволари». 22.10 Турғун Пўлат. «Ичкуёв». Видеофильм. 4-қисм. 23.10 «Ўзбекистон» ахборот. 23.35 — 00.35 «Ёшлик» студияси. «Зиё».

ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида).

«ОМАД» таништиради:

19.50 «Омад» тақвими. 20.00 «Жозиба». 20.20 «Бир шингил ҳангома». 20.30 «Муҳаббатга ошно қалблар». 20.55 Видео янгиликлари. 21.20 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва эълонлар. 22.05 — 24.00 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.00 — 19.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 337-серия. 20.45 «Беш дақиқа яхши ҳаёт ҳақида». 20.50 «Шаҳарча» Дам олиш кўрсатуви.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.15 — 23.25 «Салом, Мария». Бадиий фильм. 1, 2-сериялар.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 7.45 «Тонг».

18.00 «Тиғиз пайт». 18.25 «Шаддод Роза». Телесериал. 18.55 «Йўқотилганларни излаб». Ўтган йилларнинг таниқли қўшиқчиси Г. Виноградов ҳақида. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Савол белгиси». 20.40 «Останкино» телеканалида биринчи марта «Азизим Горбачёв». Бадиий фильм (Италия, 1991 й.). 22.15 «Матбуот-экспресс». 22.25 — 23.00 Муслим Магомаев ҳузурида меҳмонда.

Жума, 1. VII

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.30 Болалар учун фильм. «Саёҳатлар эртаги». 10.10 «Саодатли санъат сайёралари». Фильм-концерт. 10.50 «Абитуриент — 94». Биология. 11.20 «Театр: «Ғарб — Шарқ». Телефильм. 11.50 — 12.20 «Абитуриент — 94». Физика.

17.50 Кўрсатувлар тартиби 17.55 «Бугун». Ахборот кўрсатуви 18.05 «Кўзларимда қувонч расми». Паркент тумани «Қумушкон» болалар дам олиш масканидан лавҳалар. 18.25 «Сиҳат-саломатлик». 18.55 «Пилла — бойлигимиз!. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Чуст жилолари». Телефильм. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 «СОЗ ВА СОЗАНДА». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, ғижжакчи Шуҳрат Йўлдошев. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахборот. 21.25 Эълонлар 21.30 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА: «ВАТАННИ СЕВМОҚ ИЙМОНДАНДИР...» 22.30 А. Несин. «Ломакон». Аброр Хидоятов номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли. 24.00 «Ўзбекистон» ахборот. 00.25 Футбол. Жаҳон чемпионати.

ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида). 19.50 «Ишбилармон». 20.30 «Тиғиз пайтда». 21.00 «Ўзбекистон» ахборот. 21.25 «Кўпкари». Телефильм. 21.45 «Қалбингизда қуёш порласин». 22.15 — 01.00 «Қил устида». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.

ЎзТВ III ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ 18.00 — 20.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.00 «Ҳарбий курьер». 20.15 Фантастика ҳаваскорлари учун кўрсатув. 21.15 Телеэкран премьераси. «Эътироф этмоқчиман». Бадиий фильм. 1-серия. 22.30 «Тоғ қўлларининг сири». Телефильм. 22.55 «Тафсилотлар». 23.05 «Юлдузлар сўзлаганда». 23.10 Спорт кўрсатуви. 23.15 «Эътироф этмоқчиман». Бадиий фильм. 2-серия.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 7.45 «Тонг».

18.20 «Горячев ва бошқалар». Бадиий телесериал. 32-серия. 18.50 «Мўъжизалар майдони». 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Детективлар клуби»да. «Ден Огаст». Телевизион бадиий фильм. 9-серия (АҚШ). 21.10 П. И. Чайковский номидаги Х халқаро танловда. 21.35 — 23.00 Халқаро фольклор фестивалларининг ёпилиши.

Шанба, 2. VII

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.30 Болалар учун фильм. «Мио, болагинам Мио». 10.00 «Марду майдон». Андижон вилоятидан кўрсатув. 11.00 Болалар учун. «Санъат ғунчалари». 11.30 «Оламни асранг!». 12.00 «Оқ йўл!» Тошкент маданият техникуми битирувчиларининг концерти. 12.35 Футбол. Жаҳон чемпионати. 14.15 — 14.45 «Маърифат масканн».

17.55 Кўрсатувлар тартиби 18.00 «Қойилмақом Гоша». Мультфильмлар туркумидан. 18.20 Болалар учун. «Умид учқунлари». 18.45 «Ёшлар ва замон». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон»ахборот (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Наққош». Телефильм. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Лирик концерт. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахборот. 21.25 Эълонлар. 21.30 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури. 23.40 Футбол. Жаҳон чемпионати. 1/8 финал. (Танаффус пайтида — Эълонлар).

ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида). 19.50 Болалар учун. «Табассум». 20.30 «Қадимий йўл». Телефильм. 20.40 «Етти оҳанг жилоси». 21.00 «Ўзбекистон» ахборот. 21.25 — 00.15 «Кўл бўйида». Бадиий фильм. 1 — 2-сериялар.

ЎзТВ III ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ 12.30 — 16.00 «ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

12.30 «Мамлакатлар, одамлар, воқеалар». 12.45 «Ўзбекистон: ҳамкорлик йўлидан». 13.55 «Дидар» (қозоқ тилида). 13.55 «Би-Би-Си» янгиликлари (инглиз тилида). 14.10 «Қалбим қўри». Салават Юлаевнинг 240 йиллигига. 14.50 «Си-Эн-Эн» янгиликлари (инглиз тилида). 15.05 «Ўзбекистон жаҳонга юз тутмоқда». 15.45 «Бу ажиб дунё».

18.00 — 19.25 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.25 Киномарафон. «Қизил Гаолян». Бадиий фильм. (Хитой). 21.10 «Мутлақо махфий». 22.00 В. Набаков шеърлари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30 — 00.10 «Осмонни забт этганлар». Бадиий фильм.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.50 «Рукн премьераси» туркумидан кўрсатув. 18.45 «Коламбия пикчерс» таништиради. «Бьюлаленд». Олти серияли бадиий фильм. 2-серия. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Коламбия пикчерс» таништиради. «Комиссар». Кўп серияли бадиий фильм. 4-серия. 21.25—23.40 П. И. Чайковский номидаги Х халқаро танловнинг тантанали ёпилиши ҳамда танлов совриндорларининг концерти.

Якшанба, 3. VII

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.30 «Маҳобҳорат». Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм (Ҳиндистон). 73 — 74-сериялар. 10.00 «Ёшлик» студияси. «Ватанимга хизмат қиламан». 10.30 «Ўзбекистон спорти». 11.00 «Қўшиқ рақсга уланса». Ёдгора Нурматова ва Муҳиддин Мамадалиев. 11.35 «Учрашув». Республика «Ўқитувчи — 93» танловининг ғолиби Музаффар Ҳакимов ҳақида телеочерк. 12.05 «Қишлоқ ҳаёти». 13.05—14.20 Болалар учун «Йўлбарс».

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бўй ўстирувчи дармондори». Мультфильм. 18.05 Ўсмирлар учун. «Ўйла! Изла! Топ!» 19.15 «Истиқлол рамзи». Телефильм. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ҳафтанома» (рус тилида). 20.00 Эълонлар. 20.05 «Мусиқа жавони». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ҳафтанома». 21.30 Эълонлар. 21.35 «Ойнан жаҳонда...». 21.55 — 23.20 Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Ғулом таваллудининг 75 йиллигига бағишланган тантанали кеча.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:

17.00 «Совға». 17.30 «Ҳар соҳадан бир шингил». 17.40 Эълонлар. 17.50 Видео — «О». 19.30 Эълонлар. 19.35 «Курьер». 19.50 «Эм-Ти-Ви»дан мусиқалар. 20.10 «Ҳар соҳадан бир шингил». 20.30 «Келинг, танишайлик». («Ал-Бухорий» фирмаси). 20.40 Эълонлар. 20.45 «Салом, ёшлар!». 21.15 «Даракчи» 21.25 «Юлдузлар жилоси». 21.50 Эълонлар. 22.00 Видео — «О».

ЎзТВ III ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ 12.15 — 16.00 «ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

12.15 «Мамлакатлар, одамлар, воқеалар». 12.40 Дипломатия янгиликлари. 12.45 АҚШ Мустақиллиги кунига. Колумб. 13.25 «Жаҳон бозори». 14.15 «Би-Би-Си» янгиликлари (инглиз тилида). 14.30 Сиз ёқтирган қўшиқлар 15.00 «Си-Эн-Эн» янгиликлари (инглиз тилида), 15.15 «Спорт, Спорт, Спорт». 15.25 «Ташрифлар ва таклифлар». 15.45 «Бу ажиб дунё».

18.00—19.50 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.50 Футбол бўйича жаҳон чемпионати. 1/8 финал учун матч. 21.50 «Ксюша ҳузурида». 22.20 Спорт кўрсатуви.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30 — 00.05 «Дарбадар автобус». Бадиий фильм.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.50 «Мушук Феликс», «Ҳақиқий ажина овловчилар». Мультфильмлар. 18.40 «Ҳунарли хор бўлмайди». 18.45 «Бомонд». 19.[illegible] Пьер Ришар «Манжқўлу» кинокомедиясида (Франция). 21.00 «Якшанба». Ахборот-публицистик кўрсатуви. 21.55 — 22.35 «Бир боқишда муҳаббат».

ОСИЁДА ФУТБОЛ БАЙРАМИ БЎЛАРМИКИН?

Ҳа, қариб 65 йилдан бери чарм тўп дунё кезмоқда. Афсуски, миллионларни ром этган футбол ўйинида дарвозаларга урилавериб, олқишлар тараётган чипор тўп кўпроқ Оврўпо ва Америка қитъасидан нарига ўтаолмаяпти. Уругвай, Италия, Франция, Бразилия, Швейцария, Швеция, Чили, Англия, Мексика, ГФР, Аргентина, Испания. Бу мамлакатларда катта футбол байрамлари ўтказилган. Шу кунларда эса биринчи марта АҚШда футбол анжумани давом этмоқда.

Оддий халқ таъбири билан айтганда Оврўпо ва АҚШ, яъни эски ва янги дунё ўртасида чемпионатларни ўтказиб бериш ҳамда жаҳон чемпиони номини олиш борасида ўзига хос ҳисоб юритилади. Бугунгача етти мартадан чемпионлик номи Оврўпо ва океанорти мамлакатларига насиб этган. Хусусан, Олмония, Италия футболчилари уч мартадан чемпион бўлишган бўлса, Англия терма жамоасига ҳам бир марта мана шундай шараф насиб этган. Шунга ўхшаш, Бразилия билан Аргентина футболчилари ҳам уч мартадан чемпион бўлишган. Уругвай бир марта чемпион номини олган.

Мухлисларда, чунончи, Осиё минтақаси ишқибозларида табиий савол туғилади: футбол байрамини ўтказиш ҳамон шу тахлитда давом этаверармикан ёки бир вақти келиб Осиё мамлакатларидан биринда ҳам жаҳон чемпионати байроғи кўтарилармикан? Куни кеча Чикаго шаҳрида ўтказилган ФИФА конгрессида футбол билан боғлиқ кўпгина масалалар ҳал этилди. Маълум бўлишича, бундан буён жаҳон чемпионати финалчиларини 24 тадан 32 тагача етказиш мўлжалланаётган экан. Қолаверса, собиқ СССР республикаларининг мустақиллик олиб, ФИФАга аъзо бўлишлари ўзига хос муаммоларни юзага келтирмоқда.

Қизғин ва шиддатли тус олаётган ғалдаги чемпионатда эса Африка, Яқин Шарқ мамлакатларида футбол нисбатан ривожлангани кўзга ташланмоқда. Камерун, Марокаш, Саудия Арабистони футболчиларининг ўйинлари эътиборга лойиқ бўлиб турибди. Шунингдек, Корея Республикаси ҳам ўзини кўрсатади, деган умиддамиз. Умуман, Осиё минтақасида футболни ҳар жиҳатдан ривожлантириш ва жаҳон чемпионати ўтказиб беришга даъвогарлик қилишга шарт-шароитлар етарли. У ёғини сўрасангиз, ҳар томондан қулай ҳисобланган Марказий Осиё шароити, хусусан, Ўзбекистон ҳам келажакда футбол байрамини ўтказишга талабгорлик қилса, ярашгай.

Энди ўн бешинчи чемпионат баҳслари ҳақида фикр юритадиган бўлсак, олти гуруҳга бўлинган 24 жамоа саралаш баҳсларида ёруғ юз кўрсатишга интилмоқда. Қандай бўлмасин ўз гуруҳида охирги ўринда қолмасликка ҳаракат қилинмоқда. Чунки қолган 18 жамоа ўртасида нимчораж финал учрашувлари ўтказилади. Ҳозирча Колумбияни Руминияга ютқазиб қўйиши ва айни пайтда Швейцария Руминияни (4:1) дорда қолдириши, шунга ўхшаш Бразилия — Россия футболчилари учрашувида дарвозага иккита жавобсиз тўп киритилиши кабилар чемпионатнинг ўзига хос воқеаси бўлди, дейиш мумкин.

Руминия — Швейцария учрашуви кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Маълумки, руминлар дастлабки учрашувда ғалабадан руҳланиб, навбатдаги ўйинни ҳам ўз фойдаларига ҳал қилмоқчи бўлдилар. Румин футболчилари орасида моҳир тўпурар Георгий Хожи ўзини кўрсатиб, ҳисобни очди. Лекин етти рақами остида ҳаракат қилган Швейцария футболчиси Алико Зуттернинг ҳаракатлари ишқибозларни ҳайратга солди. Шаршара сочлари елкаларигача ёйилган бу йигит дарвозани олисдан аниқ нишонга олиш устаси экан.

Кеча Боливия — Корея республикаси (0:0), Италия Норвегия (1:0) жамоалари майдонга тушган эдилар.

Ҳайдар НОСИРОВ.

ISC

ISC га ҚЎЙГАН ОМОНАТИНГИЗ ҲОСИЛДОР ЕРГА ЭКИЛГАН УРУҒ СИНГАРИ МЎЛ ҲОСИЛ БЕРАДИ.



Чилонзор
115—алоқа бўлими, Чилонзор савдо маркази ёнида;

Юнусобод
Тошкент Бош почтамти, Олой бозори олдида; 84 алоқа бўлими, А. Темур кўчаси, ВДНХ бекати;

Акмал Икромов
208—алоқа бўлими, Алгоритм даҳаси.

Буҳоро филиали
Ульянов, кўчаси 1. Телефон 3—42—36

Мирзо — Улуғбек
187 алоқа бўлими, Карасу—1 даҳаси;

Яккасарой
100 алоқа бўлими, Бобура кўчаси, 40 А —уй (Фрунзе савдо маркази ёнида);

Шайхонтоҳур
159 алоқа бўлими, У. Юсупов кўчаси, 2—уй ("Динамо" дукони ёнида)

Миробод
Матбуотчилар кўчаси, 32—уй, ("Шарқ" кафеси ёнида); Нукус кўчаси, 29—уй, "Ўзбекистон" маиший хизмат кўрсатиш уйида;

32-56-92, 44-51-85, 55-98-49, 34-57-39.

Ёзувчи ва рассом Евгений Березиков китобхонлар билан учрашув ўтказади. Унинг суҳбати мавзуи: «Коинот ер ва инсоннинг қувват шакл-шамойилини қутқариш хизматида», «Туркистон авлиёларининг ҳаёти». Рассомнинг Коинот билан алоқалари бўйича яратган асарлари кўргазмаси ҳам ташкил этилади. **Учрашувлар бепул ўтказилади.** Корхоналар, ташкилотлар, ўқув юртлари, маҳаллалардан буюртмалар қуйидаги телефонлар: 64-10-77, 55-87-48 ёки почта орқали: 700000, Тошкент, 138-абонемент қутиси орқали қабул этилади, ҳамда телефон рақамлари кўрсатилади. Коинотни тафаккур этиш йўлидан бораётганлар учун «Оламнинг тузилиши» мавзуида дастлабки суҳбат 26 июнь куни эрталаб соат 7 да «Боғи эрам» боғида ўтказилади. Ҳамид Олимжон метро бекати.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Тошкент кимё-технология институти ректорати ва «Ижтимоий—гуманитар фанлар» кафедраси жамоаси шу кафедра муаллими Қ. Жўраевга акаси

Исмоил ЖЎРАЕВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўсимлик моддалари кимёси институти жамоаси катта илмий ходим Рихсибой Кўчқорович Каримовга турмуш ўртоғи

Хотима КАРИМОВАнинг

бевақт вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Узпаррандасаноат» Республика ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарияти ва жамоаси Термиз паррандачилик фабрикаси директори Холмамат Нормуродовга падари бузруквори

Нормурод ЧОРИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36, 32-54-35.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими—33-54-55, 32-55-06.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Бухорода — 3-54-87; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-31-86; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58-83; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-3716.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди — 21.00.
Г—939 85501 нусхада босилди.
Навбатчилар: А. МАННОПОВ, У. ФАЙЗИЕВА.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «БуюкТурон» кўчаси 41-уй. 123456.